



**Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги
Самарканд қишлоқ хўжалиги институти**

Иқтисодиёт ва бошқарув факултети

**“Тасдиқлайман”
Иқтисодиёт ва бошқарув
факультети декани, и.ф.н
доцент ____А.Астонов
«____» _____ 2012 й**

Зоотехния, ҳайвонлар генетикаси ва урчитиш кафедраси

5610100 – «Фермер хўжалигини бошқариш» йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Фермер хўжаликларида ёш қорамолларни гўшт учун ўстириш
технологияси ва унинг самарадорлиги (Пастдарғом тумани мисолида)**

Бажарди:

**5610100-“Фермер хўжалигини
бошқариш” йўналиши 4 босқич
талабаси**

Бобоназаров Латиф

Илмий рахбар: доцент

Шаптаков Э.С

Илмий маслахатчи: доцент

Ғаниев И

**Иш кўриб чиқилда ва химояга
қўйилди Зоотехния, ҳайвонлар
генетикаси ва урчитиш кафедраси
мудри, доцент**

Шаптаков Э.С

“ ____ ” _____ 2012 й

Самарқанд – 2012

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I. Мавзунӣ назарӣ асослаш ва адабиётлар шарҳи.....	6
2. Пастдарғом туман фермер хўжаликларида ресурслар салоҳияти ва улардан фойдаланиш	15
2.1. Ер – сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	16
2.2. Пастдарғом туманида моддий - техника ресурслари ва улардан фойдаланишнинг самарали йўллари.....	21
2.3. Меҳнат ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш	24
3. Ёш қорамолларни гўшт учун ўстириш технологияси ва самарадорлиги	28
3.1. Ёш қорамолларни гўшт учун ўстириш технологияси.....	44
3.2. Ёш қорамолларни гўшт учун ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги.....	54
4. Пастдарғом тумани фермер хўжаликларида ёш қорамолларни гўшт учун ўстириш технологияси ва унинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	57
5. Экологик муаммолар, ҳаёт фаолияти ва техника хавфсизлиги масалалари	68
6. Хулоса	72
7. Ишлаб чиқаришга амалий тавсиялар.....	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75

К И Р И Ш

Ўзбекистонда иқтисодий ислохатлар самарасида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш тизими такомиллашиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодий барқарорликнинг кудратли омилига айланмоқда. Чорвачилик озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг улуши мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 46,5 % ни ташкил этмоқда.

Қорамолчилик чорвачиликнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари ҳамда енгил саноатни тери ва бошқа хомашё билан таъминлашда устуворликка эга. Етиштирилаётган сутнинг 99 % ва гўштнинг 63 % қорамолчиликка тўғри келади.

Чорвачилик ва айниқса, қорамолчиликни ривожлантиришга республикада ҳар доим алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Мустақиллик йилларида соҳани ривожлантириш тенденцияси янада тезлашди. 2006-2010 йиллар мобайнида қорамоллар сони 29,0 %, сигирлар 27,1 , сут ишлаб чиқариш 27,0 ва гўшт 28,3 % га кўпайди.

Ижобий натижаларга эришишда Ўзбекистон Республикаси президентининг 2006 йили 23 мартда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 308-сонли қарори ва уларни янада кучайтирувчи 2008 йили 21 апрелда қабул қилинган 842-сонли қарорлари ҳамда “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” (2009 йил) асари тамоиллари асосий дастур бўлиб хизмат қилади.

2006-2010 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг бажарилиши чорвачилик ривожини таъминлади. Ривожланиш истикболлари мавжуд захираларнинг қанчалик улуғворлигини кўрсатиб берди.

Хозир Республикада аҳоли жон бошига қорамоллар 0,32 бошдан, сут ишлаб чиқариш 197 кг дан ва гўшт 21 кг дан тўғри келмоқда. Ёки медицина нормасига нисбатан таъминлаш 2,64 ва 4,0 бароварга кам. Демак, чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқариш мустақиллигига эришишдек устивор вазифа ўз ечимини кутмоқда.

Бу борада шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида мавжуд бўлган захираларни аниқлаш ва уларни жадал ишга туширишдаги омиллардан самарали фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини беради. Жумладан, шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлари устуворлигида чорвачилик жадал ривожланмоқда.

Чорва молларининг 94-95 % ва махсулотлар етиштиришнинг 96-97 % улар хиссасига тўғри келмоқда. Биринчидан қишлоқ аҳоли оилаларида чорва моллар ва паррандалардан шартли бош сонини 3-4 тагача ёки 1,5-2 бараварга ошириш, моллар зотдорлигини яхшилаш ва махсулдорлигини 1,8-2,0 бароварга ёки сигирлар сут соғимини 3000-3500 кг га ошириш, кўп болали оилаларни чорва моллари билан таъминлаш асосий чора-тадбирлардан бири хисобланади.

Иккинчи муҳим захира барча йўналишдаги фермер хўжаликларида чорвачиликни (қорамол, қўй ва парранда) шакллантириш ва уни такомиллаштиришдир. 100 мингга яқин пахта, буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришга мўлжалланган фермер хўжаликларининг ҳар 100 гектар майдони ҳисобидан 30 шартли чорва моллари подаларни шакллантиришда уларнинг сони 3000 мингача қшпайиб, сут, гўшт ва тухум етиштириш жадаллашади. Органик ўғитлар захирасининг яратилишида дехқончилик истикболлари барқарорлашади.

Учунчи муҳим захира наслчилик базасини мустаҳкамлашда барча чорвачилик фермер хўжаликларини наслчилик тоифасига кўтаришдир.

Наслдор сигирлар сонини 350 минг бошдан ошириш ёки жамики сигирларнинг 10-12 % ни ташкил этишга яқин 10 йиллар мобайнида эришиш мумкин.

Ривожланиш омиллари: республиканинг барча тоифадаги ва йўналишдаги фермер хўжаликлари ва айниқса шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида кенг миқёсли селекция усуллари жорий этиш, яхшиловчи зотлар ва авлодининг сифати бўйича баҳоланган яхшиловчи букалар уруғидан сунъий уруғлантиришда кенг (3500-4000 минг бош) фойдаланиш, махсулдор (3000-3400 минг бош) авлодлар олиш ва импорт ўрнини босадиган ва ғунажинларни (1000 минг бош) етиштириш, сут ва гўшт етиштиришнинг жадал технологияларини жорий этиш ҳисобига сигирлар сут соғимини наслчилик хўжаликларида 5000-6000 кг га ва товар хўжаликларида 3000-3500 кг га, гўштга боқиладиган новвослар вазнини 400-450 кг га етказиш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ҳосилдорликни 120-130 ц озиқа бирлигига ошириш усуллари ва тажрибалари ушбу ўқув қўлланмада ўз аксини топган.

I. МАВЗУНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ ВА АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Қорамолларнинг гўшт махсулдорлиги салмоғи ва унинг сифатига кўпгина омиллар таъсир қилади. Шунинг таъкидлаш лозимки бутун дунё мамлакатларида шу жумладан Ўзбекистонда ҳам қорамол гўшти асосан сутбоп зотлардан олинади.

Шунинг ҳам айтиш жоизки, қора —ола зоти ўзининг сони ва сигирларнинг сут махсулдорлиги бўйича биринчи ўринда туради. Охирги йилларда ушбу зотни айрим хўжалик белгиларини такомиллаштириш мақсадида голштин зотидан кенг фойдаланилмоқда.

Кўплаб илмий —тадқиқотларнинг натижалари Лунина Л.С. (1991), Акмалхонов Ш.А. (1993), Аширов М. (1994), Носиров У. (2001, 2007) шунинг кўрсатадики, қорамолларнинг махсулдорлик хусусиятларига таъсир қиладиган омиллардан асосийси —бу озуқа омилдир (59%).

Бундан ташқари наслчилик ишларининг самарадорлигига (22%) ва технологик жараёнларни ташкил қилишга (19%) ҳам боғлиқдир. Илғор фан —технология ютуқлари шунинг кўрсатадики, 18-21 ойлик сўқимланган буқачаларнинг тирик вазни 500-550 кг, бир кунлик ўсиш 100-1500 г, уларнинг сўйим чиқими эса 58-65 % гача бўлади. Аммо бу кўрсаткичлар бизда тегишлича 200-300 кг, 600-700 г, 53-55 % га тенгдир. Демак, махсулдорлик бўйича қорамолларнинг генетик салоҳиятини 40-50 % идан фойдаланилган холос.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни амалга ошириш бўйича белгиланган кўшимча чора —тадбирлар, чорвачиликда ислохатларни янада чуқурлаштириш, чорвачилик билан шуғулланувчи шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида ҳайвонларнинг, шу жумладан қорамолларнинг махсулдорлик бўйича генетик салоҳиятини юзага чиқаришда, улар зотларнинг насл, махсулдорлик, пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштиришда, юқори махсулдор подалар

яратишда озиқлантириш омили, унинг даражаси, тўла қийматлилиги, озуқалар сифати асосий ўрин эгаллайди.

Чорвачилик ривожланган мамлакатларда молар махсулдорлигини кескин оширишда наслчилик ишлари намунали йўлга қўйилганлиги, бу жараёнда замонавий селекция усуллари қўллаш билан бирга, молларни тўла қийматли озуқалар ва омухта емлар билан юқори меъёردа боқиш ўз самарасини бераётганлиги ҳам бунга исбот бўла олади.

Илмий адабиётларда (У.Носиров 2001, 2008) такидлашича, қора –ола зотли қорамоллар нафақат сут махсулоти, балки гўшт махсулдорлиги билан ҳам бошқа зотлардан ижобий томонга ажралиб туради. Шунинг учун ҳам унинг тарқалиш ҳудуди ва бош сони йилдан –йилга кўпаймоқда.

Биргина Россия федерациясида 1985-1998 йиллар давомида 28,4 дан 51,1 % гача кўпайган. Бир вақтнинг ўзида симментал 31,2 % дан 18,4 % га, қизил чўл эса 14,2 дан 7,6 % га камайган. Қора –ола зоти дунё бўйича голштин зоти билан яхшиланган. Ушбу зот бизнинг Республикамизда ҳам ўзининг сони жиҳатидан биринчи ўринда туради (4,0 миллион бошга яқин).

Ҳайвонларнинг махсулдорлик кўрсаткичлари озуқа ва асраш омилига боғлиқлигини Эволюцион талимотнинг асосчиси Ч.Дарвин (1877) ҳам ўз вақтида таъкидлаб ўтган.

У.Носиров (1974, 2000), ёзишича қорамолларнинг сут махсулдорлиги 60-70 % ва гўшт махсулдорлиги 60-62 % озиқлантиришга ва технологик омилларга боғлиқ бўлади.

Бу фикрлардан ҳам равшанки қорамолларнинг хўжалик фойдали белгиларини юзага чиқаришда озиқлантириш бош омил ҳисобланади.

Т.К.Газиёв, С.Б.Чакаловларнинг (1988) маълумоти бўйича қора –ола ва швиц зотига мансуб янги туғилган бузоқларни тирик вазни тегишлича 30,7 ва 30,4 кг бўлган, 18 ойлигида эса шунга мос равишда 409,6 ва 411,5 кг га этган.

Майдаланмаган гўшт оғирлиги, сўйим оғирлиги ҳамда сўйим чиқими мутаносиб тарзда: 112,0 ва 220,0 кг, 226,7 ва 236,4 кг ҳамда 56,0 ва 57,6 фоизни ташкил қилган. Рентабиллик даражаси 82,62 ва 91,25 фоизга тенг бўлган. Изланувчиларнинг фикрича швиц зотидан фойдаланиш ҳам зоотехникавий ҳам иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдадан ҳоли эмас экан.

Г.А.Водяницкий, И.А.Бойколар (1988) қорамол гўшти ишлаб чиқаришни жадаллаштириш мақсадида аҳолидан сотиб олинаётган ёш эркак бузоқларни, бошқа ёшга нисбатан 3 ва 6 ойлигида олишни тавсия этишган.

Чунки 18 ойлигидаги тирик вазни, сўйимдан олдинги тирик вазн, нимталанмаган гўшт оғирлиги, сўйим оғирлиги ва сўйим чиқими катта ёшда сотиб олинган буқачалардан 7-12% юқори бўлган. Лекин, бўрдоқчилик хўжалигини ўзида қабул қилинган технология асосида парваришланган тенгқурларига қараганда кам кўрсаткичларга еришишган.

А.В.Востроилов ва бошқаларнинг (2005) хулосаларига кўра, қорамоллар боқиш усулларида қатъий назар, уларни тирик вазнини буқачаларнинг гўшт махсулдорлигини ва сигирларнинг сут махсулдорлигини оширишда энг асосий омил бўлиб юқори озиқлантириш даражаси ва технологик жараён ҳисобланади.

Тадқиқотлар маълумотларнинг кўрсатишича, қорамолларнинг тирик вазни ва сигирларнинг сут махсулдорлиги юқори озиқлантириш даражасида, паст озиқлантириш даражасидаги тенгқурлариникидан шунга мос равишда 70-100 ва 435 -664 кг юқори бўлган. Чорвачилик ривожланган давлатларда моллар махсулдорлигини кескин оширишда наслчилик ишини замонавий усулларни қўллаш билан бирга, тўла қийматли озуқалар ва емлар билан юқори меъёردа боқиш ҳар томонлама ўз самарасини бермоқда.

Шунинг учун ҳам У.Н.Носирв, О.Собировлар (2008) келажакда мамлакатимизда чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида, бир

шартли молни йилига 45 центнер озуқа бирлиги ҳисобидан боқиш йўлга қўйилишини илмий жиҳатдан асослаб беришган.

Уларнинг таъкидлашича, жами озуқа бирлигига (45 ц) нисбатан 35-43 фоизгача концентрат, 18 фоизгача дағал озуқалар, 19-22 сенаж ва 20-25 фоизгача силос билан озиқлантириш моллар махсулдорлигини кескин оширади.

Л.П.Парахов, Н.Б.Боробева, Т.П.Логинова, А.В.Шишкинларнинг (2010) маълумоти бўйича Россиянинг Нижегород вилоятидаги наслчилик заводлари ва кўпчилик наслчилик хўжаликларида қора – ола зотли молларни голштин зоти билан чатиштиришда юқори махсулдор подалар яратилган.

“Пушкинское” наслчилик заводида II–бўғин голиштин генотипли сигирлар I –лактациясида ўртача 8437 кг, III–бўғиндагилари 8337 кг, IV–бўғиндагиларига нисбатан сут соғими 347 килограммга (4,3%) камайтирган.

III–бўғиндаги сигирлар гуруҳида II–бўғиндагиларга нисбатан 10000 килограммдан ортиқ сут берадиган пекордчи –сигирлар сони икки бараварга камайган бўлса, IV–бўғиндаги сигирлар гуруҳида эса рекордчи –сигирлар умуман бўлмаган. Кейинги 10 йил мобайнида сигирларнинг сут махсулдорлиги 3 баробарга ошган. 5 йил мобайнида биринчи туққан сигирларнинг сут соғими ҳар йили ўртача 760 килограммдан кўтарилиб бруган.

Ушбу натижаларга эришишда биринчи туққан сигирларни серсут қилиш тадбирлари, Канаданинг “Симекс Аллаекс” компаниясининг юқори қийматли буқаларидан фойдаланиш, бой озуқа базаси, рационлар ва қўшимча премикслар рецептларини такомиллаштириш қўл келган.

В.И.Сельцов (2009) нинг эътироф этишича сигирларни хўжаликда фойдаланиш давомийлиги бўйича селекция қилиш яхши натижа бермайди, шунинг учун сут махсулдорлиги бўйича селекция қилиш узок муддатли фойдаланиш билан ижобий корреляцияда бўлади.

Р.Н.Ляшук, А.И.Шендаков, В.В.Сорокинларнинг (2009) ёзишларича қора –ола зотини голштинлаштириш 62.5 фоизга етказилиб, сўнг “ўз ичида” урчитиш мақсадга мувофик ҳисобланади. Келгусида эса фақат озиқлантириш ва сақлаш шароитларини яхшилаш эвазига чатиштиришни давом эттириш мумкин.

Н.В.Воробева, Т.П.Логинова, Л.Л.Ковалнинг (2010) таъкидлашларича сигирларнинг тирик массаси уларнинг сут соғимига катта таъсир кўрсатади. Голштинлаштирилган подаларда 490-500 кг тирик масса I-туққан сигирлар учун нормал ҳисобланади, етук ёшдаги сигир учун эса 600 кг атрофида.

“Пушкинское” наслчилик заводида I-лактациядаги сигирларнинг ўртача тирик массаси 495 килограммга, етук ёшдагиларники 570 килограммга тенг. Сутдорлик коэффициент I-туққан сигирларда 1343-1726 кг, етук ёшдагиларида 1545-1773 килограмм. Айрим рекордчи сигирларники 2000-2244 килограммгача кўтарилган.

А.В.Егиазарян, П.Н.Прохоренко, Е.И.Саксаларнинг (2009) маълумотларига кўра қора –ола зотининг Ленинград типи наслчилик Заводлари, давлат наслчилик репродукторларида голштин зотининг авлодлари буйича текширилган етук буқалардан фойдаланишни давом эттириш керак.

Махсулдорликнинг юқори генетик потенциалига Ленинград вилоятидаги наслчилик заводлари эришган. 10000 килограммдан юқори сут соғиб олинган. Тайна 181 лакабли сигир I –лактациясида 305 кун даврида 18406 килограмм рекорд даражасидаги соғимни намоёиш этган. Янги сермахсул типдаги сигирлар тирик массаси 605 кг, яғрин баландлиги 145 см, кўкрак чуқурлиги 73 см ни ташкил этади.

Сигирларга хос бўлган хусусиятлар машина соғимига яхши мослашганлиги, сут бериш жадаллиги (2,12 кг/мин), сутдорлик типи ва сутдорлик коэффициента (1543 килограмм) намоён бўлган. Сигирларнинг сут соғими “Ленинский путь” номли наслчилик заводида 1996 йили 2552

килограммдан 1999 йили 7210 ва 2002 йили 3360 килограммга кўтаришган. Хар йили фенотипик самарадорлик 968 килограммга ошган (П.Прохоренко, Д.Михайлова, 2000)

У.Куччиев (2006) маълумотларига кўра голштинлаштирилган сигирларнинг йил фасллари буйича туғиши уларнинг сут махсулдорлигига таъсир кўрсатган. Яъни куз -қиш фаслида туққан сигирлар кўпроқ сут берган, уларда сервис даври 60-90 кунни ташкил этган.

Ю.Котляров, Н.Клундук, О.Янкиналарнинг (2005) тадқиқотларида қора-ола зотли сигирларни голштин зотли буқалар билан чатиштиришдан олинган сигирлар зотдорлигининг ошиши билан сут махсулдорлиги ҳам ошиб борган. Унинг миқдори I-бугин чатишма сигирларда қора –ола зотли тенгқурлариникидан 348 кг, II- бўғинда эса 627 кг юқори бўлган.

М.Кубцевнинг (2007) маълумотига кўра Новосбирск давлат аграр университетининг “Тулское” ўқув –тажриба хўжалигида бузоқ ва таналар жадал парвариш қилинганда 18 ойлигида 400 килограмм массасида биринчи қочиришга қўйилган. Ғунажинларни туғишга тайёрлаш ва биринчи туққан сигирларни серсут қилиш технологиясида уларнинг сут соғими 6000-6500 килограммга етган.

С.Караматов, Е.Китаев, Н.Соболевларнинг (2010) таъкидлашларича, чатишма молларда голштин қонининг ошиши билан сут соғими ва умумий оқсиллар салмоғи ошиб боради, сут таркибидаги ёғ миқдори эса камаяди. Шу боисдан сутчилик фермалари ва комплексларида голштинлаштирилган моллардан самарали фойдаланишни оширишда 62,5-75,0 % голштин генотипли молларни урчитишни тавсия этганлар.

М.Досмухамедовани (2008) тажрибалари шундан далолат берадики, қора-ола зотли сигирларни Исроил голштин буқалари билан чатиштиришдан олинган II ва III-бўғин (7/8) дагиларнинг иссиққа чидамлилиқ индексида (64,0-64,5) ўзгариш кузатилмаган.

Демак, олинган авлодларда Исроил голштини қонининг кўтарилиши уларнинг иссиққа чидамлилиқ хусусиятига салбий таъсир кўрсатмаган.

Жумладан, лактация давридаги сут соғими III- гуруҳда (1/4 қонли голштин сигирларда) 3892 кг бўлса, II-гуруҳдаги 3/8-1/2 қонли голштин сигирларда) кўтарилиб, 4313 килограммга, I-гуруҳда (3/4-7/8 қонлиларники) 4590 килограммга етган.

В.Бурхонова, Э.Шаптакон ва Л.Исмоиловларнинг (2009) маълумотларига кўра қора-ола ва голштин зотли I ва II-бўғин чатишма сигирлари турли микдорда сут берган. Қора-ола зотли стгтрлари 2897,1 кг сут берган бўлса, I-бўғин сигирларники 300,5 кг ёки 10,4 %, II-бўғин сигирларники 642,5 кг ёки 22,2 % га кўп.

Қора –ола зотини голштинлаштириш ишлари нафақат сут махсулдорлигини оширишга, шунинг билан биргаликда сут типидagi хажмли ва тўғри шаклдаги елинли ва озукалардан самарали фойдаланадиган сигирларни олишга қаратилади.

“Пушкинское” наслчилиқ заводида олинган голштин генотибли сигирлар сут типидagi экстерьер сифатлари бўйича қора-ола зотидан устинлик қилади. “Симекс Аллайенс” компанияси (Канада) буқаларидан олинган голштинлаштирилган етук ёшдаги сигирлар яғрин баландлиги 139 см, думғаза баландлиги -141, кўкрак чуқурлиги -76, кўкрак кенглиги -51, тос чўққиси кенглиги -54, ўтириш суяк чўққиси кенглиги -23, тананинг қия узунлиги -179 ва поча айланаси -19,6 смни ташкил этган.

Наслчилиқ заводи шароитида голштинлаштирилган сигирлар гармоник тана тузилиши, баландлик тана ўлчовлари билан характерланади. Танаси чуқур ва чузиқроқ, елини ваннасимон шаклда.

Голштинлашган сигирларнинг махсулдорлик кўрсаткичларига яхшиловчи буқалар генотипининг таъсири қатор олимлар (Ш.Труфанов, 2005; Ю.А.Иванов, 2005; П.Прохоренко, 2005; Л.Прахов, О.Басанов, 2004; В.Фисинин, 2006; А.В.Егиазарян, П.Н.Прохоренко, Е.И.Сакса, 2009; Р.Н.Ляшук, А.И.Шендаков, В.В.Сарокин, 2009 ва қатор бошқалар) томонидан кўрсатиб ўтилган. Уларнинг таъкидлашларича сут йўналишидаги

подадарнинг генетик яхшиланиши 85-90 % да буқаларнинг наслдорлик қиймати билан белгиланади.

В.Г.Саропкин, Ю.А.Светова, С.Н.Ивановларнинг (2004) ёзишларича турли қора –ола зот типлари голштин зоти билан чатиштирилганда буқалар хусусияти улар қизларининг технологик хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатган. Елинини косасимон шакли 8-45 % га кўпайиб, сут бериш тезлиги 0,08-0,56 кг/дақга ошган. Умуман олганда чатишма сигирлар елинининг узунлиги, эни ва чуқурлиги ортиб, елин сурғичларини бироз қисқаришини кузатганлар.

Н.Н.Сулима, Н.В.Молчанова, Г.С.Девяткиналарнинг (2004) маълумотларига қараганда сермахсул подадар яратишда биринчи туғим сигирлар экстерьерини баҳолаш алоҳида ўрин тутди.

Москва вилоятининг “Дубровица” тажриба хўжалигида кейинги 10 йилда сигирларда голштин қони 90 фоизга етган. I-туғим сигирларнинг экстерьер баҳоси 79,3 балл ва сут белгилари 83,9 баллга етган. 7000 килограммдан кўп сут берган сигирлар экстерьер баҳоси қолган сигирларга нисбатан юқори бўлган.

Попада I-туғим сигирларни конституциясини мустахкамлиги, экстерьерининг ривожланиши, оёқлари ва елин кўрсаткичларига қараб пучак қилиш пода сифатига ижобий таъсир этган.

Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра Уес Идеал 933122, Монтвик Чифтейн 95679, Рефлекшн Соверинг 198998, Силинг Трайджун Рокит 252893 бука тизимларига хос бўлган сигирларнинг наслдорлик ва махсулдорлик хусусиятлари яхшиланган (М.И.Аширов, 1994).

Е.Гуляев, М.Гуляевалар (2009) тажрибалар асосида қилган хулосаларида подадаги агрессив хулқли сигирлар юқори махсулдорликка эга, лактация мобайнида ва 100 кг тирик масса ҳисобига босиқ хулқли сигирларга нисбатан кўп сут беради. Бузоқ бериш хусусияти бўйича босиқ хулқли сигирлар 100 фоизли натижа бермайди. Попада бузоқнинг ўлик туғилиши турли

агрессивлик даражадаги сигирларни биргаликда сақлаш сабаблари билан боғлиқ.

Л.Н.Бакиева, Е.А.Китаевларнинг (2009) маълумотига кўра зотидан катъий назар сигирлардан хўжаликда фойдаланиш муддатлари ўзгариши ва юқори сут махсулдорлиги уларнинг семизлик даражаси 3,5 -4,0 бўлганида кузатилган. Яъни танада етарли тўйимли моддаларнинг бўлиши юқори сут махсулдорлиги ва узоқ фойдаланиш имкониятини беради.

Ўзбекистонда қора –ола зотли И ва ИИ –бўғин голиштин генотибли новвослар гўшт махсулдорлигининг шаклланишини Б.Ташпулатов (2010), Б.Ташпўлатов, Э.С.Шаптак, А.К.Кахаровлар (2009) Сурхондарё вилоятининг фермер хўжаликлар шароитида махсус тажрибаларда ўрганишган. Тажриба моллар гуруҳларида юқори голиштин генотибли новвослар, ўсиш ва ривожланиши, сўйим массаси ва чиқими, гўштининг сифати бўйича устиворлик қилган.

2. ПАСТДАРҒОМ ТУМАН ФЕРМЕР ХЎАЛИКЛАРИДА РЕСУРСЛАР САЛОХИЯТИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Маълумки, Республикамиз қишлоқ хўжалигида инсон, меҳнат воситалари ва предметлари билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ер ва сув фаол иштирок этади. Инсон меҳнати ер, сув, меҳнат воситаси ва меҳнат предмети қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширувчи зарурий шароит ва омиллар ҳисобланади. Бинобарин унинг ресурсларидир. Демак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурслари – меҳнат, ер, сув ва моддий ресурслар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотиш жараёнида фойдаланилади ва унинг потенциалини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурслари сифат жиҳатидан бир - биридан фарқ қилса ҳам, уларнинг бир қатор умумий томонлари ҳам мавжуддир. Шунинчун унутмаслик лозимки, барча ресурслар орасида ер ресурси муҳим ўрин тутди.

Қишлоқ хўжалиги ер ресурслари деганда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хусусий мулк сифатида эгаллик қилувчи ва фойдаланувчи ер майдонлари тушунилади. Ер ресурслари ишлаб чиқаришнинг умумий омили бўлиб, тармоқдаги бошқа ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш учун моддий база ҳисобланади. Чунки ер қишлоқ хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси ҳамда меҳнат предмети ҳисобланади (А.Исмоилов ва бошқалар, 2005).

Ер ресурслари билан бир қаторда турадиган асосий ресурслардан бири бу сувдир. Сув ўсимликлар учун муҳим бўлган фотосинтез жараёнига катнашади, ўсимлик организмнинг ажралмас бир қисми яъни моддасидир. Барча қишлоқ хўжалик экинларини шаклланишига нормал ўсиш ва ривожланишига шароит яратиб беради.

2.1. Ер – сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари

Пастдарғом туманинг бугунги ер майдони 0,5 минг кв. км га тўғри келади. Унинг маркази Жума шаҳри ҳисобланиб унда аҳолии зич яшайди. Самарқанд шаҳрининг чегарадош ҳудудлари, Самарқанд вилоятининг Нуробот тумани, Оқдарё тумани, Иштихон тумани, Каттақурғон тумани, Сиёб тумани, Пастдарғом тумани маркази билан Самарқанд шаҳри маркази оралиги 23 км ни ташкил қилади.

Бухоро - Тошкент темир йўли туман ҳудудидан ўтган бўлиб темир йўлнинг 1 та Жума темир йўл бекати мавжуд.

Шуни унутмаслик лозимки, Пастдарғом туманида ҳам бошқа туманлар қатори ер ресурслари муҳим ва ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган миллий бойлик ва ҳазина ҳисобланади. Ер ресурслари бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан тубдан фарқ қиладиган асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланиб, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодига катта таъсир курсатади. Булар қуйидагилар: Ер табиат маҳсули, ернинг ҳудудий чегараланганлиги ва унинг такрор яратилмаслиги, ер бошқа ишлаб чиқариш воситалари сингари инсон хоҳиши ва имкониятига боғлиқ ҳолда кўпайиб боравермайди, ерни ҳеч ерга ва ҳеч қачон силжитиб бўлмайди, ер қаерда жойлашган бўлса ўша ерда ундан фойдаланилади, ер ўзини жойланишиши ҳудудлари буйича турли сифат кўрсаткичларига эга, бошқа ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш жараёнида эскиради, фойдалилик коэффициенти камайтиради, ер эса умрбод ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади, эскирмайди аксинча у яхшилаб парвариш қилинса кўп ҳосил беради.

Ернинг бу хусусиятлари унинг умрбодлигига, яъни унга кадалган зировотни озуқа моддалари билан кондириш ва ҳосил етиштириш хусусиятига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам тупроқ унумдорлиги табиий, сунъий ва иқтисодий унумдорликларга бўлиниб ҳам таҳлил қилинади.

Тупрокнинг табиий унумдорлиги унинг физик, кимёвий ва биологик хусусиятларни тасвирлайди. У инсон меҳнат фаолиятига боғлиқ эмас. Тупрок унумдорлиги мутлоқ ва нисбий шаклда ҳам ўрганилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер Кодекси”нинг 2 бобида кўрсатилганидек, ер қуйидаги категорияларга бўлинади: қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, аҳоли яшайдиган ерлар, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, реконструкция мақсадларига мўлжалланган ерлар, тарихий - маъданий аҳамиятга молик ерлар, ўрмон фонди ерлари, сув фонди ерлари, давлат захира ерлари.

Пастдарғом тумани ҳам ерлари ресурслари бўйича энг катта туманларидан бири ҳисобланади. Туманда жами ер майдони 53270 гектарни ташкил этади. Шундан 53185 гектари қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Қуйидаги биринчи жадвалда туманга қарашли фермер хўжаликларига қарашли ер ресурсларининг таркиби ва ундан фойдаланиш йўллари тўғрисида маълумот берилган.

1-жадвал

**Пастдарғом туманининг ер фонди билан таъминланиш даражаси
тахлили, га**

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2011 йил	2009 йил 2011 йилга нисбатан ўзгариши	
				(+,-)	(%)
1.	Умумий ер майдони	53270	53270	0	100,0
2.	Қишлоқ хўжалиги яроқли ерлар	53217	53185	-32	99,9
-	Жами экин майдони	45453	45358	-95	99,8
-	ш.ж. Сўғориладиган ерлари	41668	41588	-80	99,8
-	Лалми ерлари	3785	3770	-15	99,6
3.	Кўп йиллик дарахтзорлар	3639	3754	115	103,2
-	ш.ж боғ	1587	1594	7	100,4
-	Узум	1201	1265	64	105,3
-	Тутзор	851	895	44	105,2
7.	Пичанзор ва яйловлар	3746	3740	-6	99,8
8.	Буз ерлар	15	21	6	140,0
9.	Бошқа ер майдони	364	312	-52	85,7
10.	Ер ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти (ЕРФК)	0,999	0,998	-0,001	x
11.	Қишлоқ хўжалигида яроқли ерлардан фойдаланиш коэффициенти (К/ХЯЕФК)	0,854	0,853	-0,001	x

***Манба:** Пастдарғом туман фермер хўжаликларининг 2009-2011 йилги маълумотлари.

1-жадвал маълумотини таҳлил қиладиган бўлсак, жами экин майдони 45385 гектар, шундан 2011 йилда 41588 гектарни суғориладиган ерлар қолган 3770 гектарини лалми ерлар ташкил қилган.

Бу эса туман хўжаликларида шахсий ёрдамчи декхон ва фермер хўжаликларидаги чорва моллари учун етарли даражада озуқа захираси мавжуд эмаслигидан далолат беради. Бундан ташқари туманда кўп йиллик дарахтзорлар шу жумладан боғ, узумзор, тутзорлар мавжуд.

Олиб борилган изланиш натижалари ва деҳқонларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, ер ресурсидан самарали фойдаланиш бевосита сув ресурсидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлади. Сув ресурслари бизнинг

Мамалакатимиз учун муҳим ҳисобланади, чунки бизнинг иқлими тез ўзгарувчан иссиқ ҳудуд ҳисобланади. Уни сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун сувни имконият даражасида тежаш, исроф қилмасдан ундан оқилона фойдаланиш 1993 йил 6 - майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги Давлат қонуни билан белгилаб қўйилган.

Ушбу қонунда сув давлат мулки эканлиги, умумий бойлик ҳисобланиши ва у давлат томонидан қўриқланиши кўрсатилган. Қонунга асосан ягона сув фонди ташкил этилган, бунга дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув хавзалари ва сув манбалари, канал ва ховузларнинг сувлари ер ости сувлари ва музликлардан иборат эканлиги қатъий белгиланган.

Қишлоқ хўжалик экинларини нормал ўсиш ва ривожланиши учун маълум меъёрга сув зарур бўлади, масалан 1 ц (бугдой, арпа, тарик) учун 30 - 40 тонна, картошка учун 18 - 20 тонна, шоли учун 135 - 140 тонна ва пахта учун 800 - 1000 тонна сув зарур бўлади.

Пастдарғом тумани хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги, чорвачилик жараёлари учун ва бошқа эҳтиёжлар учун зарур бўлган сув ресурслари бўлиб, Пастдарғом канали ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, туманда сув ресурслари етарли, улардан фойдаланиш тартиби қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

Пастдарғом тумани қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартиби

Экин турлари	Суғориш сони	Суғориш меъёри м ³ /га	Мавсумий суғориш меъёри м ³ /га
Гўза	5-7	800-1100	5000-8500
Кўзги буғдой	4-5	700-850	3000-4500
Беда	10-11	900-1250	9500-12000
Маккажўхори	6-8	700-800	5000-6800
Қовун	5-6	600-700	3000-4000
Тарвуз	5-6	600-650	3000-3800
Сабзи	8-11	450-500	4500-6000
Пиёз	17-20	500-600	8500-11800

***Манба:** Пастдарғом туман фермер хўжаликларининг 2009-2011 йилги маълумотлари.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Пастдарғом тумани хўжаликларида қишлоқ хўжалик ва озуқабоп экинлар етиштиришда суғориш сони ва сувдан фойдаланиш меъёрлари, қабул килинган умумий ва ўртача меъёрларга тўғри келади.

А. Исмоилов, О.Муртазаевларнинг (2005) ёзишига қараганда, 1 куб. км чучук сувдан 113 минг тонна пахта, 116 минг тонна полиз ва сабзавот, 41 минг тонна мева ва узум, 7 минг тонна сув, 400 тонна пилла олишда фойдаланиш мумкин. Сувдан фойдаланишда энг аввало сувга бўлган талабни аниклаш лозим бўлади.

Бунинг учун ҳар бир экин тури бўйича йил мобайнида 1 гектар ерга қанча сув зарурлиги аниқланиб, уни умумий экин майдонига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

Сувдан ўсимликнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, режали ва меъёр даражасида фойдаланиш ер ресурсларининг самарадорлигини

таъминлайди, бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигининг иктисодий самарадорлигини яхшиланишига сабаб бўлади. Пастдарғом туманида халқ хўжалигининг барча жабхаларида ер ва сув ресурсларидан ҳам самарали равишда фойдаланилмокда дейиш мумкин.

2.2. Пастдарғом туманида моддий - техника ресурслари ва улардан фойдаланишнинг самарали йўллари

Пастдарғом туманидаги моддий – техника базасини меъёр даражасида десак бўлади. Моддий – техника таркибига туманнинг ер ресурслари, ишлаб чиқариш иншоотлари, қишлоқ хўжалиги иншоотлари, машиналари ва жихозлари, транспорт воситалари, махсулдор ва ишчи хайвонлари, кўп йиллик дарахтлар, сув ресурслари, уруғчилик, чорва моллари озуқалари, нефть маҳсулотлари, ўғит, кимё воситалари ва бошқалар киради.

Тумандаги қишлоқ хўжалиги моддий - техника базасида ер асосий рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги моддий - техника базаси ҳар доим табиий шароитлар таъсирида бўлади, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш айрим воситалари мавсумий ҳаражатларга эга бўлади, бу эса моддий - техника воситаларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир кўрсатади, қишлоқ хўжалиги моддий – техника базасининг бир қисмини жонли индивидлар ташкил этади ва булардан ташқари қишлоқ хўжалиги транспорти учун транспорт хизмати, сифатли йўл қурилишни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги техника ва механизмларни таъмирлаш ва сақлашни таққозо этади.

**ПАСТДАРҒОМ ТУМАН ХЎЖАЛИКЛАРИДА МАВЖУД БЎЛГАН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ**

Кўрсаткичлар номи	Йиллар	
	2010	2011
Транспортлар жами	259	262
Шундан ер хайдовчи	25	26
Шудгорловчи	24	24
Чигит экадиган	15	15
Ғалла экадиган	8	8
Трактор тиркамалари	146	147
Трактор омовчлари	23	24
Культиваторлар	24	25
Ғалла ўриб йиғадиган	4	4
Озуқа ўриб йиғувчи	4	4
Ўзапоя ўрадиган	9	9
Текисласгичлар	6	6
Арик ва канал қазгичлар	3	3
Минерал ўғит сочадиганлар	5	5

***Манба:** Пастдарғом туман фермер хўжаликларининг 2009-2011 йилги маълумотлари.

Туманнинг моддий - техника ресурсларида чорвачилик тармоғи ҳам муҳим ўрин тутди. Шунн такидлаш лозимки, туманда чорвачиликни деярли барча турлари: қорамолчилиқ, қўй ва эчкичилиқ, паррандачилиқ, йилқичилиқ, асаларичилиқ, балиқчилиқ яхши ривожланган. Улар туманнинг моддий ресурслари хисобланади.

Хизмат курсатадиган МТП ларда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиқ техникалари тўғрисида маълумот берилган. Кўриниб турибтики,

чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун 2 - 3 хил техникалар берилган. Шунинг учун ҳам бу фермер хўжаликларида иктисодий самарадорликни яхшилаш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз ва фермер хўжалигида унумдорликни ошириш учун керак бўлган қуйидаги агрегат ва мосламаларни таклиф этамиз.

1. АИД - 1 соғиш агрегати. Бир вақтнинг ўзида 3 - 5 сигирни соғади. Сигир уртача 5 - 7 минут соғилади ва ундан 7 - 10 кг соғиб олинади. Бу ҳаракат 220 вольтли электр тармоғидан озикланади ва 0,6 Квт/с қувват сарфлайди. АИД -1 соғиш агрегати оғирлиги 48 кг, . соғиш пакирининг ҳажми (сиғими) 19 литр. Латвияда Резекни соғиш мосламалари ишлаб чиқариш заводида тайёрланади.

2. «Сатурн - 2» хўжалик электр сепаратори. Бу сепаратор 1 - соатда 50 литр ҳарорати 35 - 40° С бўлган сутнинг каймоғини ажратади. 60 квт/с қувват талаб қилади. Оғирлиги 4 кг. Ярославдаги матор ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилади.

3. СМ - 100 русумли электр қуввати билан ишлайдиган сомон майдалагич, бир соатда 100 кг сомон майдалайди. 1,4 Квт /с қувват сарфлайди. Оғирлиги 170 кг, ўлчамлари 1,2 х 0,5 х 1 м. Украинанинг Бердичев механика заводи маҳсулотли.

4. КУ - 4 универсал майдалагич агрегати, бир соатда 90 кг кўк ўтларни майдалайди ёки 25 кг донни ёрма қилади. Беллоруссиянинг «Гомельсельмаш» бирлашмасида тайёрланади.

5. ДЗ-Т - 1 электр қуввати билан ишлайдиган майдалагич. Бир соатда 40-100 кг донни ёрма қилади. 0,6 Квт/ с қувват сарфлайди. Оғирлиги 42 кг. Украинадаги, Новгород - Волинск «Сельхозмаш» заводида ишлаб чиқарилади.

6. КРС - 0,85 русумли моторлашган қўл билан бошқариладиган ўт киргич. Унга моторлашган ёғоч арралагич «Друпоба» двигатели қўйилган. Унинг қуввати 4 от кучига тенг. Бир соатда 0,28 га майдондаги ўтни ўради. Соатига 2,2-3,4 км тезликда ўради. Кенглиги 0,85 м, габарит ўлчами 1390 х

4,80 x 810 мм. Оғирлиги 34 кг. Россиянинг Люберцкий ишлаб чиқариш бирлашмаси масхулоти.

7. МФ - 73 русумли ўт ўрвчи агрегат комплекчи билан 6 та операция бажариши мумкин. Моторлашган қўл билан бошқарилади. Чехословакиядан олиб келинади.

8. От билан ишлатиладиган ўт ўргич, оғирлиги 3255 кг. Польшада ишлаб чиқарилади.

9. ПХ - 05 ярим тележкалар, 500 кг юк кўтаради. Оғирлиги 175 кг, мотоблоки МТЗ-0,5 «Белорусь» комплекти билан бирга ишлайди. «Бобруйскферммаш» заводида ишлаб чиқарилади.

10. КР - 1, КЭП-Т - 1 русумли илдезмевалиларни майдалагич. Электр қуввати билан ишлайди. Бир соатда 80 - 150 кг илдезмеваларни майдалайди. Украинадаги «Ровносельмаш» заводи маҳсулоти.

11. КЗ - 1 озуқа буғлагич. Ўлчамлари 0,7 x 0,5 x 1,5 м, оғирлиги 50 кг.

Юқорида кўрсатилган механизмларнинг ҳеч бўлмаганда чорвачилик жараёнларига мослашганларини 50 фоизини хўжаликларда бузилишини таъмирлаш лозимдир.

2.3. Меҳнат ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурслари ўзига хос муҳим хусусият касб этади. Чунки, меҳнат ресурсларисиз ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мумкин эмас. Айниқса моддий – техника ресурсларидан фойдаланишда меҳнат ресурслари муҳим ўрин тутади. Қандай қилиб техника ресурсларини меҳнат ресурсларисиз, аниқроғи инсонсиз ишлатиш мумкин, ёки қандай қилиб инсон меҳнатсиз чорва моллари ва паррандаларини маҳсулдорлик бўйича генетик потенциалини юзага чиқариш мумкин. Шунинг учун ҳам меҳнат ресурси марказида инсон меҳнати туради.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Меҳнат кодексида” инсон меҳнатининг қанчалик муҳим ва улуғвор эканлиги таърифланган.

Пастдарғом туманида ҳам худди Мамалакатимизнинг бошқа туман ва вилоятларидагидек 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар, 16 ёшдан 54 ёшгача бўлган аёллар ишга яроқли ҳисобланадилар. Умуман туман қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат ресурслари таркибига қуйидагилар киради: доимий, мавсумий, вақтинчалик ишчилар, шунингдек штатда турувчилар, ўсмирлар, нафақахўрлар, шу жумладан, доимий ишчилар, муддатсиз ишга қабул қилинганлар; мавсумий ишчилар – 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар; вақтинчалик ишчилар эса 2 ойгача муддатда қабул қилинганлар.

4-жадвал

Пастдарғом тумани фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси (киши).

Т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2011 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
				(+/-)	(%)
1.	Мавжуд аҳоли сони	275400	280600	5200	101,9
2.	Меҳнатга лаёқатли аҳоли	141700	146300	4600	103,2
3.	Банд аҳоли	95600	84700	-10900	88,6
4.	Фермер хўжаликлари аъзолари	20951	19180	-1771	91,5
5.	Ш.ж.: хотин-қизлар	9952	8823	-1129	88,7
6	Доимий ишчилар	18437	16111	-2326	87,4
7	Ёлланма ишчилар	2514	3069	555	122,1
8	Раҳбар ходимлар	1139	1089	-50	95,6
9	Фермер хўжаликлари сони	941	871	-70	92,6

Манба: Пастдарғом тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари 2009-2010й.

Пастдарғом туман фермер хўжалигининг ресурслари билан таъминланиш даражасига келсак мавжуд аҳоли сони 2011 йил 1 январ ҳолати бўйича 280600 кишини ташкил қилади. Шу жумладан меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 146300 киши банд аҳоли 84700 киши, фермер хўжаликлари аъзолари 191801 киши. Шу жумладан хотин-қизлар 8823 киши, доимий ишчилар 16111 киши, ёланма ишчилар 3069 киши, рахбар ходимлар 1089 кишини ташкил этади.

Туман қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг шаклланиш ва фойдаланишнинг ўзига ҳос қуйидаги хусусиятлари ўрганилган: биологик ишлаб чиқариш воситалари, тирик организмлар- тупроқ, ўсимлик, ҳайвонларни боқиш мақсадида ходимлар меҳнатини йўналтирилганлиги; меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги табиий, хусусий, ернинг унимдорлиги ва об- ҳавога боғлиқ бўлади; ишлаб чиқариш жараёниларида, чорва моллари ва бошқа ресурсларнинг мустақил эмаслиги; меҳнат жараёнларининг ўз- ўзини бошқариши; ходимлар даромадининг ўсимликчиликда ва чорвачиликда провард иқтисодий натижаларга боғлиқлиги; ходимлар даромадининг фақат ишtimoий хўжаликларда эмас, балки шахсий деҳқон хўжаликларда ҳам қўлланилиши.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун қуйидагилар эътиборга олинади: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга меҳнат ресурсларини жалб қилиш даражаси: иш кучидан, иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш; иш кучидан фойдаланиш самарадорлиги. Дастлабки иккитаси меҳнат ресурсларидан экстенсив фойдаланиш даражасини, охиригиси эса меҳнат ресурсларидан интенсив фойдаланишни характерлайди.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти (МРФҚ) ўртача йиллик ходимлар сонини мавжуд меҳнат ресурслари миқдориغا (МРМ) бўлиш йўли билан ҳисобланади:

ЎрЙХС

МРФҚ = -----

МРМ

бу ерда; МРФҚ – меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти:

ЎрЁХС – ўртача йиллик ходимлар сони;

МРМ – меҳнат ресурслари миқдори.

Пастдарғом туманида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш талаб даражасида йўлга қўйилган.

3. ЁШ ҚОРАМОЛЛАРНИ ГЎШТ УЧУН ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА САМАРАДОРЛИГИ.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қорамол гўштининг 98-99 фоизи сут ва қушмахсулдор йуналишдаги зотлар ва уларнинг чатишма авлодларидан олинмоқда. Факат 1-2 фоизигина гўштдор қорамол зотлари ва уларнинг чатишма авлодларига тўғри келади.

Замонавий гўшт ишлаб чиқариш йуналишида қуйидаги тизим технологиялар қулланилади:

- биринчиси, махсус ихтисослашган гўштчилик хўжаликлари ёки гўштчилик комплекслари бузокларни 20 кунлигидан бошлаб то 13 ойлигига қадар гўштга жадал парваришлаш ва бурдоқилаш технологияси қулланилади, 400-420 килограммга ва юқори семизлик даражасига етказилади;

- иккинчиси, гўшт етиштиришга мулжалланган шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлари ҳамда қорхоналар. уртача меъёрга боқилга-8-10 ойликдаги 150-180 килограммли ёш моллар бошқа хўжаликлардан сотиб олинади. Улар, 280-300 кг вазнга қадар боқилади ва сунгра 90-100 кун мобайнида бурдоқиланиб, 380-400 килограмм вазнга ва юқори семизлик даражасига етказилиб гўштга топширилади;

- учинчиси, шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида бурдоқилаш. Суйиш қондинциясига (тирик вазни ва семизлиги бўйича) етмаган ёш ва етук ёшдаги моллар пахта шроти, шелухаси, кепак, омехта ем, маккажухори ёрмаси, пичан, сомон ва хўжалик чиқиндилари билан жадал бурдоқ,иланади. Яйлов шароитида семиртириш технологияси ҳам қулланилади.

Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ, хўжалик қорхоналаридаги қорамол зотлари ва уларнинг чатишма авлодлари махсус гўшт етиштириш технологияларида парваришлашда юқори семизликга ва 380-450 килограмм вазнга етади. Суйим вазни 200-240 килограмм ва суйим қиқими 53-55 фоизни ташқил қилади.

Таъкидлаш жоизки ёш молларни гуштга парваришлаш технологиясининг биринчи тизими энг макбул хисобланади. Молларнинг гушт махсулдорлик генетик потенциалидан самарали фойдаланилади.

Эркак бузук ва букачаларни гуштга бокиш технологияси

Ушбу технологияда гушт ишлаб чиқаришнинг тулик цикли амалга оширилади. Яъни эркак бузуклар 20 кунлигидан бошлаб сотиб олиниб, гуштга бокиш технологиясида 14-18 ойлигига 400-420 кг вазни кадар бокилади. Сифатли гушт етиштирилади ҳамда озукалардан самарали фойдаланишга эришилади.

Мавжуд технология хужаликларни ихтисослаштириш (сут ҳамда гушт йуналишида) асосида жорий этилади. Гушт йуналишига ихтисослашган хужаликлар ёки комплекслар сут йуналишидаги хужаликлардан 20 кунлик соғлом эркак бузукларни (келишилган нархларда) сотиб олади. Ушбу хужалик ёки комплексларнинг бир йула сиғим ҳажми 1000-10000 бош бўлиши самарали хисобланади. Туман микёсида ташкил этилган гуштчилик хужаликлари шу тумандаги деҳқон ва фермер хужаликларидан, вилоят микёсида ташкил этилган гуштчилик комплекслари эса вилоят микёсидаги сут йуналишидаги хужаликлардан бузук сотиб олади.

Республикада турли категориядаги хужаликларнинг ҳрзирги тизимида туманлар микёсидаги 1000 бошга мулжалланган гуштчилик хужаликларини шакллантириш макбул. Хужалик технологиясида ишлаб чиқариш гуруҳларини ритмик тулғизиб боришда сутчилик хужаликларидан (аҳоли, деҳқон, фермер, к/х корхоналари) бузук сотиб олиш поток-цикл графикада бажарилади. Унда хужаликлардаги сигир ва гунажинларни йил мобайнида туғиш мавсумийлиги ҳам эътиборга олинади.

Ёш молларни гуштга парваришлаш ва бурдокилаш технологиясининг асосий параметрлари қуйидаги жадвалда келтирилди. (5- жадвал)

**Ёш молларни гуштга парваришлаш
ва бурдокилаш технологиясининг асосий параметрлари
(турли ишлаб чиқариш жадаллигида)**

Курсаткичлар	Турли жадаллик вариантлари		
	I (ярим жадал)	II (уртача жадал)	III (уртача жадал)
Сотиб олишдаги ёши, кун	20-25	20-25	20-25
Технологик даврлар:			
1-парваришлаш, кун	180	150	135
2-устириш, кун	215	170	145
3-бурдок.илаш,кун	145	150	145
Жами бокиш даври, кун	540	470	425
Тирик вазннинг уртача кунлик усиш			
1-даврда	600	700	750
2-даврда	650	800	900
3-даврда	900	900	985
Жами бокиш даврида уртача, г	700	800	880

Манба. Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2008)

Ишлаб чиқаришдаги технологик даврлар 3 этапга булинади (парваришлаш, устириш ва бурдокилаш). Ушбу этапларда ёш молларни бокишнинг турли жадаллигида уртача кунлик вазн усиши I-даврда 600-750 граммни, II-даврда 650-900 граммни ва III-даврда 900-985 граммни ташкил этади. Уларнинг хужаликка олиб келингандаги вазни (уртача) 40 килограммни ташкил этишида ва турли вариантлардаги бокишда уларнинг вазни жадал узгаради (5-жадвал)

**Ёш молларни бокиш ва бурдокилаш давларида тирик вазнининг
узгариши ва озукалар сарфи**

Курсаткичлар	Турли жадаллик вариантлари		
	I	II	III
Тирик вазнини узгариш динамикаси. кг:			
Сотиб олингандаги тирик вазни	40	40	40
I-даврнинг охиридаги тирик вазни	148	145	141
II-даврнинг охиридаги тирик вазни	288	281	272
III-даврнинг охиридаги тирик вазни	418	416	415
Гуштга топшириш ёши, кун	560	490	445
Парваришлаш ва бурдокилаш даврида 1 бошга талаб килинадиган озукалар, озика бирлиги	3402	3196	3000
Шу жумладан бир йил давомида, озика бирлиги	2300	2482	2576
1 кг вазн узишига сарфланадиган озукалар, озика бирлиги	9,0	8,5	8,0
Шу жумладан концентрат (см) озукалари	3,6	3,8	4,0
Концентрат озукаларнинг салмоги, %	40	45	50

Манба. Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2008)

Бузокларни кабул килиш ва ёш молларни саклаш

Технологиянинг 1-варианти 1-даврида бузокларни 20 кунлигидан 7 ойлигига кадар (180 кун мобайнида) бокишда 335 бошга, II-даврда 7 ойлигидан 14 ойлигига кадар 400 бошга, III-даврида 14 ойлигидан 19 ойлигига кадар 300 бошга мулжалланган сакдаш жойлари ташкил этилади.

Бузокларни кабул килиш ва бурдокиларни гуштга топшириш ритми хар 15 кунга тугри келади. Унда кабул килинаётган бузоклар сони 26-28 бошни ташкил этади. Ушбу ракам сигирларни туғиш мавсумига караб купайиши ёки озайиши мумкин.

Йил давомида 650-660 бузок сотиб олинади. Уларнинг 95% сакланишида хар йили 620-630 бош бурдокилар гуштга топширилади.

Молларни саклашда енгил ва арзон типдаги бинолар тавсия этилади. Ёш моллар бинолар ичида сакланади ва озиклантирилади I ва II-гуруҳдаги моллар яйратиб сакланади. Ётиш жойлари учун индивидуал бокслар ташкил этилади.

III-бурдокилаш даврида улар бинолар ичида боглаб сакланади ва озиклантирилади. Озука таркатиш йуллари ва столлари буйлаб озиклантириш ишлари амалга оширилади.

I-даврдаги бузокларни саклаш биноларида 12 секция ташкил этилиб уларнинг хар бирида 26-27 тадан бузоклар сакланади. II-даврдаги биноларда 20 секция ташкил этилиб, уларнинг хар бирида 20 бошдан ёш моллар жойлаштирилади.

Сотиб олинган 20 кунлик бузокларни 2-3 кунлари (30 кунлигига кадар) шохсизлантириш самарали хисобланади. Шохсизлантириш термик усулда бажарилади. Бунинг учун электротермокартердан(6-12 вольтли) фойдаланилади.

Термокартер 1000 С гача киздирилади (унинг куйдирадиган учи окариб кетади). Шохтугунчаси атрофидаги жунлар куйдиришдан олдин киркиб

ташланади. Сунгра шохтугунчасига термокартернинг киздирилган (окарган) учи 3-5 дакика босиб турилади.

Сотиб олинган бузоклар биринчи 30 кун мобайнида карантин режимида сакланади, керакли зооветеринария тадбирлари бажарилади.

Ёш молларни озиклантириш

Ёш молларни гуштга парваришlash ва бўрдокилиш технологиясида озиклантириш хили, меъёри ва туйимлилигига алохида эътибор берилади. Парваришlashнинг I-даври I-фазасида бузокларга 20 кунлигидан 66 кунлигига кадар сунъий 1 сут (ЗЦМ) берилади. Сунъий сут хар кун бузокларга ичиришдан олдин махсус 1 курилмаларда тайёрланади. Сунъий сут тайёрлашда соя унидан хам фойдаланиш мумкин.

I-фазада шунгдек омихта ем, сифатли пичан берилади. II-фазада усимлик озукаларига утказилади.

Ушбу фазаларда букалар махсус тузилган схема буйича озиклантирилади (4.3-жадвал).

СУЮЛТИРИЛГАН СУНЪИЙ СУТ РЕЦЕПТИ (100 кг хисобига, кг)

Компонентлар	Рецептлар		
	1	2	3
Ёғи олинган сут	95.0	98,3	97.9
Концентрат ёғи ошпазлик ёғи	1,75	-	-
Суяк ёғи	-	1,85	2,00
Фосфат концентрати (озукавий)	0,76	0,38	-
Суюк казеннат натрий	-	-	0,62
А витамин препарати (таркибида 20000 МЕ/мл)	0,002	0,002	0,002
Д. витамин препарати (таркибида 200 000 МЕ/мл)	0,0006	0,0006	0,0006
Биовит	0,006	0,006	0,0006
Жами сарфланадиган хомашё	100,51	100.53	100,52
Чикими	100	100	100

Манба. Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2008)

Бузокларга сунъий сутни ичириш бир хил меъёрда олиб борилади ва 21-65 кунлик бузокларга 44 кун мобайнида 215 кг сунъий сут ичирилади.

I-даврнинг I ва II-фазаларида бузоклар учун 3074 кг махсус ем, 164,7 кг беда пичани (ёғи майин табиий пичан) ва 877 килограмм маккажухори силоси берилади. Уларнинг туйимлилиги 681 озика бирлиги, 645 кг курук модда, 6903 мДж алмашинувчи энергия, 79659 грамм хазмланувчи протеинга тенг. 1 кг тирик вазни усишига 6,3 озика бирлиги, 6,0 кг курук модда, 64 мдж алмашинувчи энергия ва 738 граммдан хазмланувчи протеин сарфланади. 1 кг озика бирлигига 117 граммдан хазмланувчи протеин тўғри келади.

Технологиянинг II ва III-давларида молларни бокиш жадаллаштирилади. Улар асосан ширали озикдантириш типига бокилади. Рацион таркибини силос, пичан ва омихта емлар ташкил этади.

Технологиянинг II-давида (усиш) сарфланадиган озукалар туйимлилиги 1379 озика бирлиги, 1356 кг курук модда, 10380 мДж алмашинувчи энергия, 190049 грамм хазмланувчи протеинга тенг. Ушбу даврда молларни 1 килограмм семиришига 9,85 озика бирлиги, 9,69 кг курук модда, 74 мДж алмашинувчи энергия ва 1357 грамм хазмланувчи протеин сарфланади.

III-даврда (бурдокилаш) ги озиклантириш схемасидаги озукаларда 1369 озика бирлиги, 1609 кг курук модда, 15 873 мДж алмашинувчи энергия ва 196893 грамм хазмланувчи протеин мавжуд. 1 кг кушимча вазн олиш учун 10,53 озика бирлиги, 12,38 курук модда, 122 мДж алмашинувчи энергия ва 1515 грамдан хазмланувчи протеин сарфланади.

Технология давларида 215 кг сунъий сут, 4930 кг силос, 2295 кг сенаж, 652 кг пичан ва 1052 килограмм концентрат озукалар сарфланади. Уларнинг туйимлилиги 3429 озика бирлигига, 3610 кг курук моддага, 33156 мДж алмашинувчи энергияга, 466,601 килограмм хазмланувчи протеинга тенг. 1 кг семириш учун 9,07 озика бирлиги сарфланади. Хужалик йил давомида 257-260 тонна гушт ишлаб чикаради.

**Бузокларни бокишнинг I даври I ва II -фазаларида озиклантириш
программаси**

Ёши муддати, кун	Муддат кунлари	Сунъий сут, кг		Махсус омихта ем, кг		Пичан, кг		Силос, кг	
		Бир кунда	Даврда	Бир кунда	Даврда	Бир кунда	Даврда	Бир кунда	Даврда
Биринчи фаза									
21-28	7	5	35	0, 4	2,8	0,1	0,7	-	-
28-35	7	5	35	0,5	3,5	0,15	1,05	-	-
35-42	7	5	35	0,6	4,2	0,23	1,61	-	-
42-49	7	5	35	0,9	6,3	0,3	2,1	-	-
49-56	7	5	35	1,3	9,1	0,3	2,1	-	-
56-63	7	5	35	1,6	11,2	0,4	2,8	-	-
63-65	2	2,5	5	1,9	3,8	0,4	0,8	-	-
Иккинчи фаза									
65-70	5	-	-	2,2	11,0	1,0	5,0	-	-
70-77	7	-	-	2, 4	16,8	1,0	7,0	-	-
77-84	7	-	-	2,6	18,2	1,1	7,7	-	-
84-91	7	-	-	2,6	18,2	1,2	8,4	-	-
91-98	7	-	-	2,6	18,2	1,2	8,4	-	-
98-105	7	-	-	2,4	16,8	1,4	9,8	-	-
105-112	7	-	-	2,4	16,8	1,6	11,2	-	-
112-119	7	-	-	2,4	16,8	1,5	10,5	-	-
119-126	7	-	-	2,2	15,4	1,5	10,5	4,0	28
126-133	7	-	-	2,2	15,4	1,5	10,5	5,0	35

133-140	7	-	-	2,2	15,4	1,5	10,5	6,0	42
140-147	7	-	-	2,0	14,0	1,4	9,8	8,0	56
147-161	14	-	-	1,7	23,8	1,2	16,8	11,0	154
161-180	19	-	-	1,4	26,6	1,0	19,0	13,0	247
180-201	21	-	-	1,1	23,1	1,0	21,0	15,0	315
Жами:	180	-	215	-	307,4	-	164,7	-	877
Уртача 1-кунда	-	-	11,19	-	1,71	-	0,92	-	10,7

Манба. Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2008)

Гуштчилик хужаликларида ёш молларни устириш ва бурдокилаш технологияси

Гушт етиштиришга ихтисослашган хужаликларнинг иккинчи типидегилари шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хужаликлари ҳамда кишлок хужалик корхоналари. Уларда 4-6 ойлик сутдан чиқарилган эркак бузоқлар сотиб олиниб устиришга ва бурдокилашга қўйилади. 420-450 килограмм вазнга етгунга қадар бурдокиланади.

Бузоқларни сут ичиш даврида репродуктор хужаликларнинг узида парваришлаш. Янги тушган бузоқлар 15 кунлигига қадар профилактория хоналарида парваришланади. Профилактория фазасининг биринчиси 5-7 кунда бузоқларга онасининг оғиз сути ичирилади ва сунгра соф сутга утилади. Оғиз сутини янги тугилган бузоқларга мумкин қалар тезроқ ва кейинги 2-3 кун мобайнида купрок ичиришга эътибор берилади. Сут ичириш даврида бузоқлар-нинг уртача кунлик вазнини 400 граммга ошириш тавсия этилади.

Репродуктор хужаликларида бузоқларни 4 ойлигига қадар озиклантириш схемасининг турли вариантлари 9-жадвалда берилди.

9-жадвал.

**Новвосларни бокиш ва бурдокилашнинг II ва III-даврида
озиклантириш программаси**

Усиш даври, кун	Даврдаги кунлар	Силос, кг		Сенаж, кг		Пичан кг		Концентрат озуқалар, кг	
		Бир кунд а	Давр кун- ларида	Бир кунд а	Давр кун- ларида	Бир кунд а	Давр кун- ларида	Бир кунда	Давр кун- ларида
II-давр (усиш)									
180-210	30	10	300	4,0	120	1,2	36	1,2	36
210-240	30	11	330	4,5	135	1,2	36	1,2	36
1240-270	30	12	360	5,0	150	1,2	36	1,3	39
270-300	30	13	390	5, 5	165	1,2	36	1,3	39
.300-330	30	14	420	6,0	180	1,2	36	1,4	42
330-360	30	15	450	6,0	180	1,2	36	1,5	45
360-395	35	16	560	6,0	210	1,5	53	1,8	63
Жами:	215	13,1	2810	5,3	1140	1,24	269	1,39	300
III-давр (усиш)									
395-425	30	16	480	7,0	210	1,5	45	2,2	66
425-455	30	15	450	7,5	225	1,5	45	2,6	78
455-485	30	14	420	8,0	240	1,5	45	3,1	93
485-515	30	14	420	8,5	255	1,5	45	3,6	108
315-540	25	14	350	9,0	225	1,5	38	4,0	100
Жами:	145	14,5	2120	8,0	1155	1,5	218	3,1	445

Манба. Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2008)

**Бузокларни 4 ойлигига кадар озиклантириш схемаси (бир
бошга), кг**

Озукалар	Вариантлар		
	1	2	3
Огиз сути	28	28	28
Соф сут	200	350	80
Ёғи олинган сут	400		
Сунъий сут			28
Пичан	50	60	60
Силос	200	200	
Омихта ем	150	150	180
Минерал витамин кушимчзлари	3,5	3,5	3,5
Озуқа бирлиги	401	331	306
Курук модда	240	232	247
Алмашинувчи энергия, МДж	3553	3538	2819
Хазмланувчи протеин	52	44	40

Манба. Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2008)

Хар бир репродуктор хужалиги уз имкониятларида бузокларни бокишнинг ушбу уч хил схемаларидан фойдаланишлари мумкин.

Янги тугилган бузокдарга 7 кун мобайнида огиз ва утиш сутларини хар куни 4 килограммдан бериш лозим.

Гуштчилик хужалигида ёш молларни парваришлаш ва устириш технологияси. Сотиб олинган 4-6 ойлик эркак бузоклар технологиянинг 1-парваришлаш даврида 120 кун ва II-устириниш даврида 210 кун бокилади. Уларни технологик схемаси куйида келтирилди (11-жадвал).

Парваришлаш ва устириш даврининг технологик схемаси

Моллар вазнининг усиши	Озука турлари	Озиклантириш турлари				
		кг	Озука бирлиги	Курук модда, кг	Алманишув чи	Хазмланув чи
I-давр (парваришлаш 6-10 ойлик) 120 кун						
Тирик вазни 100-172 кг, ўртача кунлик ўсиш 600 г	Ширали озукалар	950	190	238	2185	13,3
	Дагал озукалар	398	175	330	2675	40,0
	Концентрат озукалар	180	162	153	1800	18,0
II-давр (ўстириш 10-17 ойлик) 210 кун						
Тирик вазни 172-350 кг, ўртача кунлик ўсиш 850 г	Ширали озукалар	2500	580	625	5750	35,0
	Дагал озукалар	945	415	784	6350	94,5
	Концентрат озукалар	650	585	553	6500	65,0

Манба. Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2008)

Ишлаб чиқариш циклининг 1-даврда (парваришлаш) озиклантириш рационаи молларни хар куни 600 граммдан устиришга мулжалланган. Киш фаслида рационнинг 36 фоизини дагал ва 30 фоизини концентрат озукалар ташкил килади.

Молларни бир хил озиклантириш типига утказиш ва йил давомида кишки рационда бокиш самарали хисобланади.

Биринчи даврдаги озиклантириш типи ва меъёрида озукаларнинг туйимлиги 527 озика бирлиги, 721 кг курук модда, 6660 мдж алмашинувчи энергия, 71 кг хазмланувчи протеинга тенг булиб, 1 кг тирик вазн ўсишига

7,31 озука бирлиги, 10,0 кг курук модда, 92 мдж алмашинувчи энергия 990 граммдан хазмланувчи протеин сарфланади.

Парваришлашнинг II-даврида (усиш молларни бокиш концентрат озукалар микдорини купайтириш (39%) хисобида жадаллаштирилади. Ширали дагал ва концентрат озукалар туйимлиги 1500 озука бирлиги, 1962 кг курук, модда, 18600 мдж алмашинувчи энергия ва 195 кг хазмланивчи протеин микдорида таъмин этилади.

II-даврда молларнинг 850 граммдан ўртача кунлик ёки 178 кг мутлок, вазн усишида унинг 1 килограммига 8,43 озука бирлиги, 11,0 кг курук, модда, мдж алмашинувчи энергия ва 1095 граммдан хазмланувчи протеин сарфланади.

Ёш молларни гуштга тайёрлашнинг якуний даври бурдокилаш хисобланади. Бурдокилаш технологияси буйича 150 кун бурдоки килинади. Бурдокилаш даври уч фазага булинади: биринчиси тайёрлаш (30 кун), иккинчиси асосий (60 кун) ва учинчиси якуний (60 кун). Ушбу Фазаларда моллар вазнини кунлик усиши 900-1000 граммга таъмин этилади. (12-жадвал)

12-жадвал.

Бурдокилаш даврининг технологик схемаси

Моллар вазнининг ўсиши	Озука турлари	Озукала р микдори , кг	Туйимлилиги			
			Озика бирлиги	Курук модда, кг	Алмашинувчи энергия, МДж	Хазмланувчи протеин, кг
I-фаза (тайёрлэш) 30 кун						
Тирик вазни 350-375 кг, ўртача кунлик усиш 900 г	Ширали озукалар	600	120	150	1380	! 8,4
	Дагал озуклар	135	60	112	907	13,6
	Концентрат озукалар	150	135	128	1500	15,0 1
II-фаза (асосий кисм) 60 кун						
Тирик вазни 375-430 кг, ўртача кунлик ўсиш 950 г	Ширали озукалар	1100	220	275	2530	15,4
	Дагал озика	273	120	227	1835	27,6
	Пахта-шелухаси	340	"5	239	1564	4,3
	Концентрат озукалар	361	325	307	3610	36,0
III-фаза (якуний к,исм) 60 кун						
430-490 кг, уртача кунлик ўсиш 1000 г	Ширали озукалар	1100	220	275	2530	15,4
	Пахта шелухаси	614	135	522	2824	7,8
	Концентрат озукалар	450	450	383	4500	45,0
Жами:			1860	2668	23180	188,5

Манба. Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2008)

Бўрдокилашнинг узига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчиси тирик вазни генетик имкониятларида намоён этиш. Иккинчиси енгил хазм булувчи кучли озукалардан самарали фойдаланиш, учинчиси моллар семизлик даражасини юкори конденцияга етказиш.

Бурдокилашнинг I-фазасида озукаларнинг 315 озика бирлиги (390 кг курук, модда) туйимлигида уларнинг 38 фоизини ширали, 19 фоизини дагал, 43 фоизини концентрат озукалар ташкил этади. Моллар кучли озукаларни купрок хазм килишга ургатиб борилади. II-фазада рационга пахта шелухаси киритилади ва концентрат озукалар микдори оширилади. Озукаларнинг туйимлиги 740 озика бирлигида уртача кунлик таъминоти 12,3 ни ташкил этади. 1 килограмм семиришига 13,5 озика бирлиги, 20 кг курук модда, 173 мДж алмашинувчи энергия ва 1,5 кг хазмланувчи протеин сарфлаш мулжалланади. Концентрат озукалар салмоги 44 фоизга етказилади.

Пахта шелухаси туйимлиги буйича 10 фоизда киритилади.

III-фазада концентрат ва ширали озикалар ҳамда пахта шелухасидан самарали фойдаланиш хисобидан молларнинг уртача кунлик семириши 1000 граммга оширилади. Озукалар молларга беришдан олдин кайта ишланади (майдаланади, янчилади, аралаштирилади, ош тузи ва бошка кушимчалар кушилиб омехта килинади) унинг таъми яхшиланиб, енгил хазм булишига эришилади. Рациондаги концентрат озукалар (омехта ем, шрот за маккажухори ёрмаси) микдори 56 фоизга кутарилади. Ширали озукалар 27 ва пахта шелухаси 17 фоизни ташкил этади. Жами булиб 805 ёки хар кун уртача 3,5 озика бирлиги сарфланади. Кунлик рационда 18 кг ширали, 10 кг пахта шелухаси ва 75 кг концентрат озукалар берилади.

Бурдокилаш даврида (150 кунда) сарфланадиган озукалар туйимлиги 1860 озика бирлиги, 2668 кг КУРУК. модда, 23 180 мДж алмашинувчи энергия ва 188,5 кг хазмланувчи протеинни ташкил этади. Уларнинг мутлок, вазн

усиши 140 килограмм (уртача кунлик 933 г) ва унинг 1 килограммига сарфланадиган озика бирлиги 13,3 га тенг.

Хар бир туманда қорамолларни бурдоқлашни ихтисослаштириш ва концентрациялаш гуштчилик фермер хўжаликлари ёки қорхоналарини ташкил қилиш асосида амалга оширилади. 1000 бош ёш молларни парвариш қилувчи хўжаликларнинг йиллик гушт ишлаб чиқариш ҳажми 340-350 тоннани ва молларни гуштга топшириш вазни 480-500 килограммни ташкил этади.

3.1. ЁШ ҚОРАМОЛЛАРНИ ГЎШТ УЧУН ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани фермер хўжаликлари тез ўзгарувчан иқлим шароитида жойлашганлиги яъни иссиқ ёзи, баҳорининг намгарчилиги ва совуқ қиши билан фарқ қилади.

Об - ҳавони кузатиш маркази (метеорология) маълумотларига кўра, ҳаво ҳарорати ёз фаслларида +43 0С, қиш фаслида эса -27 0С гача этади. Фермер хўжалигида гўшт маҳсулоти ишлаб чиқариш йил бўйи давом этиб, бунга сўқимлаш учун режалаштирилган янги туғилган бузоқларни гўштга топширишгача бўлган вақт киради.

Шуни таъкидлаш лозимки, қорамолларни бурдоқлаш технологиясида, якуний сўқимлаш даври муҳим ўрин тутди. Бу жараён ҳайвонларни маҳсулдорлик йўналиши, зоти, жинси ва асраш ҳамда озиқлантириш шароитига боғлиқ ҳолда 15-18, 15-19, 18-21, 21-24 ойликгача бўлган даврини ташкил этди.

Ҳозирги вақтда Республикамиз жумладан Пастдарғом тумани фермер хўжаликларида ҳам гўшт ишлаб чиқариш учун ҳар томонлама мақбул бўлган технологиядан фойдаланиш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Биз Пастдарғом тумани қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини таҳлил қилганимизда, яқуний сўқимлаш технологик жараёни очик майдонларда (йилнинг фаслига қараб) ва биноларда боғланмасдан ташкил қилинганлигини кузатдик.

Илмий адабиёт маълумотларидан шу нарса маълумки, яқуний сўқимлаш даврида хайвонларни боғлаб бўрдоқилаш нафақат зоотехникавий балки иқтисодий жихатдан ҳам самарали бўлади. (А.Кахаров 1994, У.Носиров 2009).

Шунинг учун ҳам биз, битирув малакавий ишимизда ушбу технологик омилларни Пастдарғом тумани қорамолчиликка ихтисослашган “Беш бола” фермер хўжалиги шароитида ўргандик.

“Беш-бола” фермер хўжалиги чорвачилик ва дехқончиликка ихтисослашган бўлиб, бу ерда чорвачилик асосий тармоқ бўлиб хисобланади. Беш-бола фермер хўжалиги 1992-йил мустақилликнинг илк йилларида ташкил этилган бўлиб, ҳозирда илғор фермер хўжаликларидан бири бўлиб халқимизга хизмат кўрсатиб келмоқда.

ЧОРВА МОЛЛАР БОШ СОНИ

Моллар тури	2009			2010			2011		
	Режа	Бори	±	Режа	Бори	±	Режа	Бори	±
Жами қорамоллар	275	250	-25	300	308	+8	350	350	-
Шундан: сигирлар	75	70	-5	85	90	+5	110	112	+2
Ғунажинлар	40	35	-5	41	38	-3	46	46	-
1 ёшдан катта таналар	50	48	-2	54	58	+4	65	64	-1
1 ёшгача бузоқлар	70	65	-5	80	81	+1	92	93	+1
Бурдоқи моллар	35	28	-7	35	34	-1	30	30	-
Наслли буқалар	5	4	-1	5	5	-	7	5	-2

Манба. “Беш-бола” фермер хўжалик маълумотидан.

Хозирги кунда “Беш-бола” фермер хўжалигида жами қорамол бош сони 350 тани ташкил этиб, шулардан: сигирлар 112 бош, ғунажинлар 40 бош, 1 ёшдан катта таначалар 64 бош, 1 ёшгача бузоқчалар 93 бош, бурдоқидаги буқачалар 30 бош, наслли буқалар 5 бошни ташкил этади.

“Беш-бола” фермер хўжалигида чорва молларининг махсулдорлиги куйидаги 14 - жадвалда келтирилган.

Чорва молларининг махсулдорлиги

Кўрсаткичлар	2009			2010			2011		
	Режа	Бори	±	Режа	Бори	±	Режа	Бори	±
Бир бош сугирлардан олинган сут, кг	2100	2100	-	2300	2350	+50	2500	2600	+100
Хар 100 бош сугирдан олинган бузоқ (бош)	80	82	+2	85	86	+1	90	88	-2
Суткалик семириш (гр)	500	510	+10	500	530	+30	550	550	-

Манба. “Беш-бола” фермер хўжалик маълумотидан.

Хўжаликда хар 100 бош сугирдан 88 та бузоқ олиниб, бир бош сугирдан ўртача 2500-2600 кг сут соғиб олинмоқда. Хўжаликда сут соғиб олиш режага нисбатан 100-105 % ортиши билан бажарилиб келинмоқда, тирик вазнда гўшт миқдори ҳам хўжаликда режага асосан тўлиғича бажарилган. Чунки хўжаликда режага асосан суткалик семириш 550 граммни ташкил этиши керак бўлса, бу тўлиғича бажарилмоқда.

Қуйидаги жадвалда фермер хўжалигининг чорвачилик махсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб,

**ЧОРВАЧИЛИК МАХСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА
УЛАРНИ СОТИШ**

Кўрсаткичлар	2009			2010			2011		
	Режа	Бори	±	Режа	Бори	±	Режа	Бори	±
Сут ишлаб чиқариш ва сотиш (тонна)	161	171,5	+11,5	204	205	+1	302	302,4	+0,4
Гўшт етиштириш ва сотиш (ц)	60	64	+4	70	72	+2	72	75	+3
Насл учун сотиш (бош)	30	32	+2	50	45	-5	50	55	+5

Манба. “Беш-бола” фермер хўжалиги маълумотларидан.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, “Беш-бола” фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, йиллик режани ўтган уч йилда ортиғи билан бажарган.

Тажриба учун ўхшашлик асосида 20 бош 15 ойлик буқачаларни ажратиб, уларни 10 бошини (назорат гуруҳи) хўжаликда қабул қилинган технологияга биноан 18 ойлигигача яъни якуний сўқимлашнинг давомида бинода боғламасдан боқдик. 10 бошини эса (тажриба гуруҳи) якуний сўқимлаш давомида, яъни 15 ойдан 18 ойликгача бинода боғлаб боқдик. Тажриба давомида қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилди:

- кузатиш давомида истеъмол қилинган озиқалар миқдори
- кузатувдаги хайвонларнинг ўсиш суръати
- тажрибадаги хайвонларнинг озиқага ҳақ тўлаши
- тажрибадаги хайвонларнинг сўйим кўрсаткичлари
- иқтисодий самарадорлик.

Маълумки хайвонларни шу жумладан қорамоллар махсулдорлигига таъсир қиладиган омиллардан бири ва асосийси бу озиқлантиришдир. Биз тажриба давомида хайвонларни хўжаликни ўзида етиштирилган озиқалардан тузилган рацион билан жадал усулда озиқлантирдик. (16-жадвал)

16-жадвал

Тажриба давомида бурдоқиланаётган ҳар бир бошга озуқалар сарфланиши, кг

Озуқалар	Тажриба	Назорат
Яшил беда	1570	1550
Яшил маккажўхори	2520	2370
Беда пичани	665	655
Маккажўхори силоси	1215	1155
Сенаж	522	522
Олма туппаси	90	90
Хашаки лавлаги	696	696
Омихта ем	661	661
Пахта шроти	108	99
Пахта шелухаси	1440	1440
Ош тузи	16,3	16,3
Умумий тўйимлилик:		
Озуқа бирлиги, кг	3050,7	3003,6
Хазм қилинадиган протеин, кг	360,4	352,0

Манба. Шахсий тадқиқот маълумотлари.

Тажриба ва назорат гуруҳдаги буқачалар 3 ойлигидан бошлаб тусиқхоналарда сақланиб, 1 ойдан бошлаб омухта ем берила бошланди. Кузги ва қишки ойларда асосан маккажўхори силоси ва хашаки лавлаги билан, ёз ойларида эса яшил беда ва яшил маккажўхори билан, дағал озуқалардан эса беда пичани билан озиқлантирилди.

Тажриба давомида, ҳар иккала гуруҳдаги буқачаларга омихта ем талаб қилинганига яъни максимал кунлик ўсишга эга бўлганча ва тажриба охирида юқори семизлик даражасига етишгунча берилиб борилди.

Гуруҳдаги буқачалар тажриба охирига, яъни 18 ойликча 3050,7 ва 2 назорат гуруҳлардаги буқачалар эса 3003,6 кг озуқа бирлигига тенг бўлган озуқа истеъмол қилишди.

Шуни таъкидлаш лозимки, тажрибадаги буқачалар ёш ортиши билан режадаги озуқалар миқдори ҳам ўзгариб борди, масалан 1 ёшдан ошган буқачаларнинг рационини асосан омихта ем, пахта шелухаси, яшил беда ва яшил маккажўхори ташкил қилди.

Шундай қилиб, тажрибадаги иккала гуруҳ буқачалар бир хил рациондаги озуқалар билан озиқлантирилди. Аниқроғи уларни озиқлантириш шароити бир хил бўлган.

Тажрибадаги буқачаларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари гўшт маҳсулдорлигини баҳоловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Тажрибадаги ҳайвонларнинг тирик вазнининг ёш ортиши билан ўзгаришини биз қуйидаги 17 жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

**Хар хил технологияда гўшт учун ўстирилаётган ёш
қорамолларнинг тирик вазни, кг**

Ёши ой хисобида	Гурухлар			
	Назорат якуний сўқимлашда боғлаб боқиш (n=10)		Тажриба якуний сўқимлашда боғлаб боқиш (n=10)	
	X±S _x	Ъ	X±S _x	Ъ
3	86,4±1,70	6,30	83,9±0,75	4,1
6	148,8±1,45	5,3	144,5±1,7	5,9
9	224,5±1,32	3,8	201,9±2,05	7,3
12	284,21±2,90	10,5	263,6±3,56	12,99
15	360,81±2,81	10,2	338,00±3,4	12,9
18	466,50±2,83	10,26	438,78±3,7	13,3

Манба. Шахсий тадқиқотлар танижаси.

Юқоридаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, тажрибага қўйилган 3 ойлик буқачаларнинг тирик вазни тажриба гуруҳда 86,36 кг ни, назорат гуруҳида эса 83,92 кг ни ташкил қилган бўлса, ёш ортиши билан яъни 12 ойлигида тажриба гуруҳда 284,2: 2 гуруҳда назорати эса 263,6 кг ни, тажриба охирида яъни 18 ойлигида, тажрибадаги яъни сўқимлашнинг охирги ойларида боғлаб боқилган буқачаларнинг тирик вазни 466,50 кг ни назорат гуруҳда эса бу кўрсаткич 438,76 кг ни ташкил этган.

Маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, сўқимлашнинг охирги ойларида боғлаб боқилган буқачалар, назорат гуруҳидаги буқачаларга нисбатан 27,74 кг юқори тирик вазнга эга бўлишган.

Тажрибадаги гўшт учун устирилаётган буқачаларнинг мутлоқ ўсиши ва 1 кг тирик вазн учун сарфланган озуқа миқдори қуйидаги 18 жадвалда келтирилган.

**Тажрибадаги хайвонларнинг истеъмол қилган озиқани тирик вазн
билан қоплаши (ўртача бир боши)**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	Тажриба	Назорат
Тажриба давомийлиги, кун	480	480
Тажриба бошидаги тирик вазни, кг:	86,4	83,9
Тажриба охиридаги тирик вазн, кг	466,5	438,8
Олинган қўшимча тирик вазн, кг	380,1	354,8
Кунлик ўсиш, г	790	739
1 кг тирик вазн учун сарфланган озуқа, озуқа бирлигида	8,00	8,46

Манба. Шахсий тадқиқотлар танижаси.

Жадвал маълумотларидан шуни айтиш мумкинки, тажриба гуруҳидаги буқачаларининг тажриба бошидаги тирик вазни 86,4 кг бўлиб, сўқимлаш даврининг охирига келиб 466,5 кг га етган, бунда мутлоқ ўсиш 380,1 кг ни ташкил қилиб, кунлик ўсиш 790 г бўлган. 1 кг тирик вазн учун 8,0 кг озуқа бирлиги сарфланган.

Назорат гуруҳидаги буқачаларни тажриба тирик вазни 83,9 кг ни ташкил этиб, сўқимлаш охирида 438,8 кг тирик вазнга етган. Мутлоқ ўсиш 354,8 кг ни ташкил этиб, кунлик ўсиш 739 г ни ташкил қилган.

1 кг қўшимча тирик вазн учун 8,46 озуқа бирлиги сарфланган. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, тажриба гуруҳидаги

букачалар тажриба давомида 1 кг қўшимча тирик вазн учун назорат гуруҳидаги букачаларга нисбатан 0,46 (5,81) озуқа бирлиги кам истеъмол қилган. Айниқса улар ўз тенгқурларига қараганда 51 грамм (6,9 %) кўп кунлик ўсишга эришишган.

Биз ўз битирув малакавий ишимизда ёш қорамолларни гўшт учун ўстириш технологиясининг қайси хили мақбул эканлигини билиш мақсадида букачаларни сўқимлашнинг 18 ойлигида назорат сўйими ўтказдик.

19-жадвал

Тажрибадаги букачаларнинг сўйим кўрсаткичлари (n=10)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	Тажриба	Нazorat
Сўйим олди тирик вазни, кг	448,0	422,1
Нимта оғирлиги, кг	250,0	232,3
Нимта чиқими, %	55,8	55,0
Ички ёғ, кг	13,2	12,9
Ички ёғ чиқими, %	2,3	3,0
Сўйим оғирлиги, кг	263,2	245,2
Сўйим чиқими, %	58,7	58,0

Манба. Шахсий тадқиқотлар танижаси.

Тажрибадаги букачаларнинг сўйим кўрсаткичлари 19 жадвалда келтирилган бўлиб, 1 тажриба гуруҳидаги букачаларнинг сўйим олди тирик вазни 448,0 кг ни ташкил этиб, бу кўрсаткич бўйича ўз тенгқурлари 25,9 кг, ёки 6,1 % ортга қолдирган. Нимта ва сўйим оғирлиги бўйича фарқ тегишлича: 17,7 кг ёки 7,6 % ва 18,0 кг ёки 7,3 % ни ташкил қилган. Сўйим чиқими гуруҳларда, шунга мос равишда 58,7 ва 58,0 % бўлган.

Шундай қилиб, сўйим кўрсаткичлари бўйича якуний сўқимлашнинг бинода боғлаб ташкил қилинган тажриба гуруҳидаги хайвонлар, ўз тенгқурлари яъни якуний сўқимланиш бинода боғламасдан ташкил қилинганлигидан устун бўлган.

3.2. Ёш қорамолларни гўшт учун боқишни иқтисодий самарадорлиги

Биз ўз малакавий битирув ишимизда Пастдарғом туманидаги “Беш бола” фермер хўжалиги, ҳозирги кунда қўлланилаётган ёш қорамолларни гўшт учун ўстириш технологиясининг икки усули, бурдоқилаш даврининг охирида буқачаларни боғлаб сўқимлаш ва боғламасдан сўқимлаш усуллари ўз тажрибамизда синаб, таҳлил қилиб, иқтисодий самарадорлигини аниқладик.

Қуйидаги ушбу -жадвалда тажрибадаги ёш қорамолларни гўшт учун ўстириш технологиясининг самарадорлиги келтирилган бўлиб, тажриба ва назорат гуруҳларидаги буқачалар 18 ойликкача яъни 480 кун ўстирилган, парваришланган ва бурдоқиланган.

Тажрибанинг 1 кунидан 18 ойлигигача тажриба гуруҳидаги буқачаларга 3050,7 кг озуқа бирлигидаги озуқа сарфланган. Назорат гуруҳидаги, яъни боғланмасдан сўқимланган буқачаларга эса 3003,6 кг озуқа бирлигидаги озуқа сарфланган.

Тажриба бошида, яъни 3 ойлигида тажриба ва назорат гуруҳларидаги буқачаларнинг тирик вазни тегишлича 86,4 ва 83,9 кг ни ташкил этди. Сўқимлаш даврининг охирида эса яъни 18 ойлигида бу кўрсаткич тегишлича: 466,5 ва 438,76 кг бўлган, фарқи тажриба гуруҳи фойдасига 27,8 кг ни ташкил этди. Тажриба давомида олинган қўшимча тирик вазн тажриба гуруҳда 380,1 кг, назорат гуруҳида эса 354,8 кг ни ташкил қилган.

Тажрибани иқтисодий самарадорлиги

№		Гурухлар	
		Тажриба	Назорат
1	Тажриба муддати, кун	480	480
2	Тажриба давомида сарфланган озуқа, кг, озуқа бирлиги	3050,7	3003,6
3	Тажриба бошидаги тирик вазн, кг	86,4	83,9
4	Тажриба охиридаги тирик вазн, кг	466,5	438,8
5	Тажриба давомида олинган қўшимча тирик вазн, кг	380,1	354,8
6	Қилинган жами харажат, минг сўм	2396,5	2359,4
	Шу жумладан озуқа харажати, минг сўм	1677,5	1651,6
7	1 ц тирик вазннинг таннари, минг сўм	630,5	664,9
8	1 ц тирик вазнни харид нархи, минг сўм	850	850
9	Сотишдан олинган ялпи даромад, минг сўм	3230,8	3016,0
10	Олинган соф фойда, минг сўм	834,3	656,6
11	Рентабеллик даражаси, %	34,8	27,8

Манба. Шахсий тадқиқотлар танижаси.

Жадвал маълумотларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, хўжаликда 1 кг озиқа бирлиги 550 сўмни ташкил этган бўлиб жами қилинган харажатни деярли 70 % га тенгдир.

Шунинг учун ҳам озиқа харажати гуруҳларда тегишлича 1677,5 ва 1651,6 минг сўмга тенг бўлган. 1 ц тирик вазнини таннархи тажриба гуруҳида, назорат гуруҳига нисбатан 34,4 минг сўм ёки 5,4 % кўп бўлган.

Аксинча олинган соф фойда бўйича улар ўз тенгқурларини 177,7 минг сўм ёки 27,9 % орқада қолдирган. Республикамизда жами гуруҳларда, шунга мос тарзда 34,8 ва 27,8 % ни ташкил қилган.

Шундай қилиб, гўштга боқиш технологияси тўғри ташкил қилинса нафақат зоотехникавий, балки иқтисодий жихатдан самарали бўлар экан.

4. ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИ ФЕРМЕР ХҲЖАЛИКЛАРИДА ЁШ ҚОРАМОЛЛАРНИ ГҲШТ УЧУН УСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Республикамызда бошқа кишлоқ хўжалик тармоқлари каби чорвачилик тармоғини ҳам бозор иқтисодиёти шаройида барқарор ривожлантириш субъекти этиб, фермер хўжалиги танланган. Бугунги кунда Республика бўйича 81 минга яқин фермер хўжалиги мақомини олган хўжаликлар рўйхатга олинган. Шундан 41 мингдан ортиғи ёки 51,0 фоизи пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган. Бу кўрсаткич Пастдарғом туманида 288 та ёки жами фермер хўжаликларини 66,5 фоизини ташкил қилган. Демак Республика кўрсаткичларидан 16,5 фоиз ортиқ. 6,0 мингдан ортиқроғи чорвачиликка ихтисослашган бўлиб 7,4 фоизни ташкил қилади.

Бу кўрсаткич пастдарғом туманида 47 та ёки жами фермер хўжаликларни 10,9 фоизига тенг, бу эса Республика кўрсаткичидан 3,5 фоиз кўпдир. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, туманддаги қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг улуши Мамалакат кўрсаткичидан анча паст. Буни биз 21 жадвал маълумотларидан ҳам билсак бўлади.

Республика бўйича Қорамолнинг жами бош сонини 5,5 фоизини, сигирларни 4,6 фоизини, қўй ва эчкиларни 7,5 фоизини, отларни 9,8 фоизини ва паррандаларни 10,5 фоизини фермер хўжаликлари ташкил қилган. Бу кўрсаткич Пастдарғом туманида шунга мос равишда: 4,1; 4,0; 4,4; 7,8 ва 7,6 фоизга тенг бўлган. Шу рақамларни тахлили шундан далолат берганки, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш асоси бўлган ҳайвонлар бош сонининг фермер хўжаликларидаги улуши Мамалакат миқёсида ҳам талаб даражасида эмас. Пастдарғом туманида эса ундан ҳам паст.

Республикада чорва моллари бош сони (2012 йил 1 январ ҳолати бўйича)

Ҳайвонлар тури	Хўжалик тоифалари			
	Барча тоифадаги хўжаликлар	Фермер хўжалик-лари	Дехқон хўжалик-лари	Қишлоқ хўжалик корхоналари
Қорамоллар, минг бош	9093,7	501,7	8497,0	95,0
%	100,0	5,5	93,4	1,1
Шу жумладан сигирлар, минг бош	3763,6	172,6	3561,5	29,5
%	100,0	4,6	94,6	0,8
Қўй ва эчкилар, минг бош	15340,5	1149,9	12146,6	2044,0
%	100,0	7,5	79,2	13,3
Отлар, минг бош	187,3	18,3	156,3	12,7
%	100,0	9,8	83,4	6,8
Паррандалар, минг бош	37733,3	3958,6	22561,0	12213,7
%	100,0	10,5	59,8	29,7

Манба. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг статистик маълумотидан

Фарқ мутаносиб равишда: 1,4; 0,6; 2,9; 2,0 ва 2,9 фоизни ташкил қилган. Демак, фермер хўжаликларини ташкил қилишда, уларни субъект сифатида шакиллантиришда ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ниҳоят ижтимоий камчиликларга йўл қўйилган. Буни тўғрилаш эса замон талабидир.

Фермер хўжалигини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари. Чорвачилик тарақиётини таъминлаш наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйишга боғлиқ. Бу борада хўжаликларда наслдор

сигирлар салмоғини 50 фоизга кўтариш ва ҳар 100 бош сигирдан 25 - 30 бошдан ғунажин олиш лозим.

Наслли моллар етиштирувчи хўжаликларни моддий рағбатлантириш мақсадида жорий йилдан бошлаб сотилган ҳар бош насли қорамол учун давлат ресурсларидан 1500 кг омухта ем ва 500 кг дан пахта шроти ҳар бир куй ва эчки учун 200 кг дан омухта ем ажратиб берилюкда. Бу наслчилик билан шугуланувчи хўжаликни давлат томонидан куллаб-куватлаш ва наслчилик ишини олиб боришга рағбатлантириш учун куйилган кадамдир.

Бугунги кунда кўпчилик хўжаликлар ва фермерлар наслдор моллар подаларини уз ҳисобларидан тулдиришни уddалай олишмаяпти. Наслдор молларни танлаш ва парваришлаш билан шуғуланадиган ҳамда махсус наслчилик хўжаликлари учун зоотехник селекционерларимиз камайиб бормокда. Қатор хўжаликларда ва туманларда бу матахасислик ўрни кискартирилиб юборилган. Шунинг учун унитмаслик керакки ҳеч ким муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди. Имкониятлар доирасида селекция наслчилик ишларини омолоштириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлар кўргазмаларини ташкил этиш “ким ошди” савдолари ўтказиш, хўжаликлар ва фермер хўжаликлари ўртасида танловлар ташкил этиш каби тадбирларни кенг йўлга куйиш лозим.

Афсуски молларни зоти ва наслдорлиги бирмунча яхшиланишига қарамай уларнинг махсулдорлиги йил сайин пасайиб бормокда. Шу соҳа олимларининг фикрича (Ш.Акмалхонов 1993, У.Носиров 1974, 2001, 2008, П.Собиров 1990, 2005, А.Кахаров 1994, 2008, 2010, 2011, Б.Абдалниёзов 1999, 2011) ҳайвонларнинг ирсий махсулдорлик хусусиятларидан атиги 50 - 60 фоиз фойдаланаяпти ҳолос.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг бош омили – озуқадир. Тармоқдаги колокликларнинг сабабларидан бири озуқаларнинг сифатсизлиги ва озуқабоп экин майдонларидан унумли фойдалан билмасликдир. Кейинги йилларда озуқабоп экинларнинг нафакат майдони балки ҳосилдорлиги ҳам камайиб гектаридан олинаётган ҳосилдорлик 4 тонна озуқа бирлигини ҳам ташкил

этмаяпти. Ширали озуқа яъни маккажухори ва лавлаги ҳамда беда майдонлари камайиб бормокда вахолнки бу охзуқа қишлоқ хўжалиги хайвонлари рационининг асосини ташкил этади. Туйимли озуқа хисобланган омухта емнинг йил сайин бир неча баробар камайиб кетиши сифатининг пастлиги чорва моллари махсулдорлигига ута салбий таъсир курсатмокда.

Натижада кормолчилик, куйчилик, йилкичилик тармоклари кўплаб гўшт ва сут маҳсулотлари айникса асосан омухта ем ишлатиладиган паррандачилик соҳаси миллионлаб дона тухум ва гўшт ишлаб чиқаришдан махрум бўляпти. Сифатсиз тайёрланган омухта емни сотиб олиш учун сарфланган маблағлар қишлоқ хўжаликлари корхоналари фермерлар кўраётган моддий зарарнинг асосий қисмини ташкил этмокда.

Умуман олганда чорачилик учун пахта шроти ва шелуха етказиб берадиган ёғ мой камбинатлари ва хайвонларнинг ёши ҳамда турларини хисобга олиб турли сифатдаги омухта ем ишлаб чиқариб берадиган комбинатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини давлат стандартига мос келишини тахлилий назорат лабораториялари бевосита тартибга келтириши талаб этилади.

Эндиликда озуқабоп экинларнинг сифатли уругларини топиш ҳам муаммо бўлиб қоляпти. Шунинг учун республиканинг ҳар бир худудида уругчилик хўжалиги ёки бригадалари ташкил этиш уларга зарур микдорда ер майдони ажратиб бериши керак. Кейинги пайтларда озуқабоп экинларга ишлов бериш, ўриш, йиғиш техникалари етишмаслиги сабабли тайёрланган озуқаларнинг кўп қисми нобуд бўлиб, сифатсиз жамғарилмокда. Чорвачиликдаги механизация муаммоларини хал этиш учун республиканинг ўзида озуқабоп экинлар ҳосилини ўриб йиғиб олишга мосланган техникаларни ишлаб чиқариш масаласини хал қилиш лозим.

Чорвачиликни ривожлантиришда олимларимиз кўп киррали илмий ютуқларни амалда исботлаб ишлаб чиқаришга тақдим этишмокда. Селекционер олимларимиз чорвадорлар билан ҳамкорликда серсут ва гўшtdор қорамолларнинг, қўй ва эчкиларнинг паррандаларнинг гурухлари ва

турларини яратиш усуллари кўрсатиб беришган. Жумладан қорамолларни йил давомида бир хил типда озуклантириш улардан олинadиган маҳсулотларнинг кўп марта амалда кўрсатди. Шунингдек сигирлар маҳсулдорлиги 17 % га бузук ва новвосларнинг ўсиш даражаси 50 % гача кўпайганлиги ҳамда қўшимча 1,5 - 2 марта беда ўриш мумкинлигини илмий изланишлар тўла исботлаб берди.

Кейинги йилларда аҳолини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда қорамолчилик фермалари бурдоқчилик базалари ва пррандачилик комплекслари билан бир қаторда фермер хўжаликлари ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон Президентининг фермер хўжаликларини янада мустахкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йули билан қўллаб-қуватлаш тўғрисидаги Фармонида «лаббай» деб жавоб берётган омилкор фермерлар гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотишни кун сайин кўпайтиришяпти.

Бугунги кунда фаолият курсатаётган 81,0 мингта фермер хўжаликлари тасарруфида 1,2 миллион гектардан ортиқ ер майдони бўлиб, 10 йилдан 50 йилгача муддатли ижарага берилган. Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят, туман вакиллариининг раҳбар ва мутахассислари томонидан фермер хўжаликлари ўртасида олиб борилган социологик тадқиқотлар натижаларидан шу нарса кўринмоқдаки фермерлар ерни узоқ муддатга ижарага берилишидан рози. Чунки, фермер хўжаликлари раҳбарликларида ер сотилмаётганлиги балки ижарага берилаётганлиги, бу хусусий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимида утиш даври талаблари эканлигини эътироф этишмоқда. Лекин бу жаҳада бошқа муаммолар келиб чиқаётир.

Ер берувчи сифатида қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар уюшмалари) нинг намоён булиши айрим ҳолларда фермер хўжаликлари фаолиятига ўринсиз аралашувлар, етиштирилган маҳсулотларни мустақил реализация қилиш, тўғрида - тўғри тайёрлов идораларига ёки бошқа

истеъмолчилар билан шартномалар тузишда тускинлик келиб чикаётир. Натижада фермер хўжаликлари ривожланиши сусаймокда.

Фермер хўжаликларига ерни узок муддатли ижарага берилиши бугунги давр учун маъкул усул. Лекин ерни кишлок хўжалиги коперативлари (ширкатлар уюшмалари) оркали эмас, балки тўғридан - тўғри хокимликлар қошидаги ер қўмиталари оркали узок муддатли ижарага берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда фермер хўжаликлари ўринсиз тўсиқлардан тезрок холос бўлиб, ривожланиш йўлига ўтиб олади.

Худудий вакиллари қошидаги фаолият курсатаётган кооперативлар, асосан, деҳқон ва фермер хўжаликлари етиштираётган кишлок хўжалиги маҳсулотларини харид килиш, саклаш, сотиш ва экспорт килиш билан, шунингдек ажратилган моддий ресурсларни фермер хўжаликларига етказиб бериш билан шуғулланишмокда. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилги 168 сонли қарори талабларига асосан мазкур кооперативлар юқоридаги фаолиятдан ташкари техникадан биргаликда фойдаланиш, кишлок хўжалиги маҳсулотларини кайта ишлаш, омухта озуқа ишлаб чиқариш, моддий ресурслар билан таъминлаш борасида ҳам фаолият курсатишлари зарур. Бунинг учун фермерлар, деҳқонлар ва бошка шахсларнинг маблагларидан тижорат асосларида, шунингдек, банк кредитларидан фойдаланиб, узларининг айланма сармояларини шакллантириш кузда тутилган.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларини ўрни

Маълумки, инсон организмида нормал биологик, физиологик ва биёкимёвий жараёнлар кечиши учун, бир йилда ўртача 80- 84 кг гўшт ва гўшт маҳсулотларини 300- 315 кг сут ва сут маҳсулотларини, 217 – 220 дона тухум, 19 кг балиқ ва 9 кг асал истеъмол қилиши лозим. Акс ҳолда организмдаги хужайра ва тўқмалар талаб даражасида фаолият кўрсата олмайди, натижада организм холсизланиб ҳар хил касалликлар учун қулай манба бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳукуратимиз, шахсан Президентимиз И.А.Каримов чорвачилик тармоғини барқарор ривожлантириш муҳим эканлигини, бу жараён нафақат ташкилий, балки ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик эканлигини уқтирмоқда. И.А.Каримов ўзининг “Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш асосан фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилади” деган сўзлари билан чорвачилик тармоғини такомиллаштиришда фермер хўжаликларини ўрнини ҳар томонлама асослаб берган.

2011 йил 1 январ ҳолати бўйича Республикада барча тоифада мавжуд бўлган 9093,7 минг бош қорамолни 501,7 минг боши ёки 5,5 фоизи, шу жумладан 3765,6 минг бош сигирларни 172,6 минг боши ёки 4,6 фоизи, жами 15340,5 минг бош қўй ва эчкиларни 1149,9 минг бошини ёки 7,5 фоизи, жами 187,3 минг бош отларни 18,3 минг бошни ёки 9,8 фоизи, жами 37733,3 бош паррандани 3958,6 минг бош ёки 10,5 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келади. Бундан ташқари 2010 йилда ишлаб чиқарилган 1461399 тонна гўштни, 37854 тоннасини ёки 2,6 фоизини, жами ишлаб чиқилган 6168989 тонна сутни 205000 тоннасини ёки 3,3 фоизини, жами ишлаб чиқарилган 3058 848 минг дона тухумни, 288104 минг донаси ёки 9,4 фоизини, жами 26510 тонна жунни 1715 тоннасини ёки 6,5 фоизини, 934937 дона қорақўл терини 44078 донасини ёки 4,7 фоизини фермер хўжаликлари берган. (13 – жадвал).

Бу кўрсаткичлар Пастдарғом туманида мутаносиб равишда 2,0; 1,1; 7,8; 5,1 ва 4,2 фоизга тенг бўлган. Демак туманда асосий чорвачилик маҳсулотлари деҳқон хўжаликлари ҳисобидан етиштирилган. Кўриниб турибдики, Пастдарғом туманида чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларини улуши, Мамалакат кўрсаткичларидан шунга мос равишда 0,6; 2,2; 1,7; 1,4 ва 0,5 фоиз кам бўлган. Туман чорвадорлири, мутахассислар бундан тўғри хулоса қилиб, йилдан – йилга чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режасини ошириб уддалаб келишмоқда.

22-жадвал

Республикада чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати (2011 йил бўйича)

Маҳсулот тури ва ҳажми	Хўжалик шакллари			
	Барча тоифадаги хўжаликлар	Фермер хўжалик- лари	Деҳқон хўжалик- лари	Қишлоқ хўжалик корхоналари
Гўшт (тирик вазнда), тонна	1461399	37854	138916	34381
%	100	2,6	95,1	2,3
Сут тонна	6168989	205000	5927815	36174
%	100	3,3	96,1	0,6
Тухум, минг дона	3058848	288104	1775555	945189
%	100	9,5	58	32,5
Жун, тонна	26510	1715	21951	2844
%	100	6,5	82,8	10,7
Қорақўл тери, дона	934937	44078	632103	258756
%	100	4,7	67,6	27,7

Манба. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг статистик маълумотидан

Буни 22 жадвал маълумотларидан ҳам билса бўлади. Хусусан 2011 йилда гўшт ишлаб чиқариш 282 тонна ошиғи билан (163,7 фоиз), сут ишлаб чиқариш ҳам 104 тонна ошиғи билан (123,4 фоиз) бажарилган. Рентабеллик даражаси гўшт маҳсулотида 5,3 ва сутда 6,2 фоизни ташкил этган.

Шу ўринда, У.Носиров ва бошқалар (2009) томонидан тавсия этилган фермер хўжалиги фаолиятини тахлилини тавсия этамиз, чунки

Республикамизнинг фермер хўжаликларини барқарор ривожланиш даражасига кўра, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик озиқ – овқат

23-жадвал

Пастдарғом тумани хўжаликларида чорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш самарадорлиги (2011 йил ҳолати бўйича)

Кўрсаткичлар	Маҳсулот тури	
	Гўшт	сут
Қилинган харажатлар, минг сўм		
Режада	443	444
Ҳақиқатда	725	548
Фарқи $\pm$	282	104
Олинган даромад, млн сўм		
Режада	467	471
Ҳақиқатда	784	583
Фарқи $\pm$	318	112
Рентабеллик даражаси, %		
Режада	5,3	6,2
Ҳақиқатда	8,2	6,4
Фарқи $\pm$	2,9	0,2

Манба. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотидан

маҳсулотларини етиштириш мўллигига эришишда илғор тажриба ва фан ютуқларини фермер хўжаликлари амалиётига жорий этиш долзарб ҳисобланади. Бу борада республика аграр соҳа амиллари ва амалиётчилар ҳамжихат бўлиб, фермер хўжаликлари муаммосига хос бўлган самарали омилларни комплекс мегапроектлар асосида амалга оширишлари улкан истиқболларга замин яратади.

Пахта буғдой етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги экин майдонларининг 50 – 55 фоизида пахта, 30 – 32 фоизида буғдой, 4 - 5 фоизида дон учун маккажўхори, 2-3 фоизида сабзавот, картошка ва полиз экинлари, 10 - 12 фоизида беда (пичан ва маданий яйлов учун) майдонларини жойлаштириш тизими ҳар томонлама самарали бўлади. Пахта етиштириш ҳажми (185,0 - 186,0 тонна) сақланган ҳолда буғдой етиштириш ҳажмини (42

тоннадан 176 тоннагача) кескин оширилишида маккажўхори етиштириш 12,9 тоннадан 20 тоннагача, сабзавот картошка ва полиз маҳсулотлари 76,6 тоннага (383 ц/га) етказилди. Чорорва озикалари массаси 284,4 тонна озука бирлигига етди. Фермер хўжалиги ва унда хизмат кўрсатаётган жамоа оилалари чорваси ҳар бир шартли мол ҳисобига 26,1 центнердан озука бирлиги билан таъминланади.

Оралик озукабоп экинларнинг донли сенаж масса ҳосилдорлиги 530 центнерни ёки 186 ц озука бирлигини ташкил қилди. Такрорий маккажўхорининг силос массаси ҳосилдорлиги 285 центнерга (51 ц озука бирлигида) тўғри келади. Чорва моллари қишда сифатли пичан, ёзда маҳсулдор маданий яйлов билан таъминланади.

Фермер хўжалиги ва унинг жамоаси оилаларида чорвачилик ривожлантирилди, сут, гўшт ва тухум етиштириш жадаллаштирилди. Фермер хўжалик чорвадори 30 шартли мол (36 та қорамол, 12 қўй ва 75 парранда) ва унинг жамоа оилалари чорваси 79 шартли молга (90 қорамол, 50 қўй ва 300 парранда) етказилди.

Уларнинг маҳсулдорлиги оширилди. Сигирларнинг сут соғими фермер хўжалиги ва унинг жамоасида тегишлича 2253 ва 2120 кг га, ёш молларнинг кунлик вазн ўсиши 665 ва 498 граммга, гўштга сотилган навлослар вазни 510 ва 558 кг га, бўрдоқиланган қўйлар вазни 95 ва 68 килограмга етказилди.

Ҳар 100 бош сигир ҳисобига олинган бузоқлар 94 ва 83 фоизни ташкил қилди. Уларда сут етиштириш миқдори 23,9 ва 65,7 тоннага, гўшт 5,0 ва 11 тоннага, 4,9 ва 27,6 минг донага етказилди. 2006 – 2008 йиллар мобайнида етиштириш ҳажми ва молларнинг маҳсулдорлиги кўтарилиб борди (15 жадвал).

Деҳқончилик учун ноёб ҳисобланган органик ўғитлар захираси фермер хўжалигида 300 тоннани ва унинг жамоа оилалари чорвасида 790 тоннани ташкил этиб, йил давомида экин майдонлари ҳудудларида компост тўплаш жорий этилди. Хўжаликнинг жамоа оилалари билан чорва озуқаларига

органик ўғит айрибошлаш ўз самарасини берди. Асосий экин майдонлари 5-10 тонн/ га ҳисобида органик ўғит билан таъминланади.

Шу ўринда таъкидлаш жойизки, республика пахта буғдой етиштиришга ихтисослашган 160 мингдан ортиқ фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш учун озиқлантириш ва қишлоқ хўжалик экинларига органик ўғитлар солиш муаммолари учрамоқда. Умуман, фермер хўжаликларида экинлар ҳосилдорлиги паст ҳолда қолса, сигирларнинг

24- жадвал

Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва маҳсулдорлик

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Сут ишлаб чиқариш, тонна	17,74	20,80	23,89
Гўшт ишлаб чиқариш, тонна	1,31	3,69	4,97
Тухум ишлаб чиқариш, минг дона	4,66	5,49	5,90
Сигирлар сути соғими, кг	2190	2043	2253
Молларнинг кунлик вазн ўсиши, граммда	567	574	665
Новвосларни гўштга сотиш вазни, кг	432	505	510
Қўчқорларни гўштга сотиш вазни, кг	85	83	95
100 бош сигир ҳисобидан бузоқ олиш, %	77,8	100	93,7
Жамғарилган органик ўғит, тонна	200	250	300

Манба. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотидан

сут соғими ўртача 920 кг ни, бузоқ олиш эса 37- 48 фоизни, ёш молларнинг кунлик вазн ўсиши 210 – 240 граммни ташкил этмоқда.

5. ЭКАЛОГИК МУАММОЛАР, ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Инсоният тарихидан ва ижтимоий ҳаётидан шу нарса аниқки, ҳар қандай тарихий давр ва ҳар қандай аср дунё ҳамжамияти олдида ўзига хос, илгаригиларидан фарқ қиладиган муҳим ва долзарб муаммо ва масалаларнинг кўндаланг қилиб қўяди. Бизнинг ҳаётимизга кериб қелган XX1 асрнинг энг муҳим муаммоларидан бири бу экологик муаммо ҳисобланади. Ушбу муаммонинг ҳафли оқибатлари тўғрисида олимлар деярли бир асрдан буён жар солиб инсонларни, дунё ҳамжамиятини огоҳ қилиб келган. Шунга қарамасдан ушбу муаммо бугунги кунга келиб, ўзининг салбий оқибатларини кўрсатмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, кўпгина ҳудудларда экологик ҳолат салбий томонга ўзгарган, натижада иқлим шароити ўзгарувчан бўлган, кўпгина Мамалакат ва ҳудудларда сув захираси камайган, атмосфера ифлосланган, чўлланиш, тупроқ эрозияси, яйловларнинг ўт- ўланларини сийраклашиши, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг камбағаллашиб кўпгина тур ва популяцияларнинг йўқолиши тупроқнинг шўрланиши, ер ости зах сувларининг тупроқ юзасига кўтарилиши, қум кўчиш, сув манбаларида унинг миқдорини камайиши, ҳар хил табиий офатлар 2000 - 2011 йилларда Индонезия ва Япониядаги ер zilзиласи, атом энергетик станцияларининг портлаши, ишдан чиқиши (Россия) каби салбий ҳолатлар айнан экологик ҳолатнинг талаб даражасида эмаслигида номоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Орол сувининг камайиши натижасида тузнинг кўпайиши ва уни шамол орқали Мамалакатнинг шимолий ҳудудларида тарқалиб ер унимдорлигига салбий таъсир қилиши, Сурхандарё вилоятининг жанубий ҳудудларида “Афғон шомоли” деб ном олган иссиқ, қум ёғдирадиган тўполонли шамолларнинг йилдан – йилга кўпайиб бориши ва бир нечча кунгача давом этиши, вилоятнинг шимолий туманларида

Тоҷикистон алюмин заводининг захарли чиқиндиларидан аҳоли, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсининг азият чекиши, атроф муҳитнинг ифлосланиши аҳоли яшадиган ҳудуд, туман ва айниқса шаҳарларда табиий ҳолдаги ичимлик сувларининг ифлосланиши ва истеъмолга яроқсизлиги, кўча – кўйларни чиқинди ва ахлатлар билан санитария ҳолатини ўзгариши ва бошқалар экологик ҳолатнинг бузилганлигидан далолат беради. Бу ҳолатни тўғрилаш ва уни яхшилаш учун:

- аҳолининг, айниқса мактаб ўқувчилари, ўрта махсус, касб – ҳунар ва олий ўқув юртлари талабаларини экологик соводхонлигини ошириш. Бунинг учун экология фанини ўқитиш самарадорлигини таъминлаш, ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

- сув манбаларидан унимли фойдаланиш, қуриб бораётган Оролни “тирилтириш” чора – тадбирларини кўриш. Орол билан боғлиқ бўлган экологик муаммоларни олдини олиш;

- табиатда ёўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимлик турлари ва популяцияларни сақлаб қолиш, уларни кўпайтириш, чора тадбирларини кўриш. Бунинг учун махсус ўсимлик ва ҳайвонот боғларини, кўриқхоналарни ташкил этиш, мавжуд бўлган “Қизил китоб” дан мақсадли фойдаланиш, ёўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликларни генофондини соф ҳолда сақлаб қолиш, имкон даражасида уни бойитиш;

- ҳар бир корхона, муассаса, қишлоқ хўжалик корхонаси ва таълим муассасаларида экологик ҳолатни яхшилаш борасида махсус тадбирлар ташкил қилиш, ҳар бир шахсни ўзи яшаб турган ҳудудда экология учун маъсул эканлигини ўқитиш ва талаб қилиш;

- сув манбалари, яйловлар, ўрмонлар ва бошқа инсонлар фойдаланадиган жойларни экологик ҳолатини доимий назорат қилиб туриш. Бунда Хоразм, Қорақолпоғистон, Сурхондарё, Бухоро ва Навоий вилоятларига алоҳида эътибор қаратиш;

- республикаимиз ҳудудида яшайдиган одамлар, урчителиётган ҳайвонлар, балиқлар ва асаларилар, кўпайтириляётган ўсимликлар

популяциялари орасида учрайдиган экология билан боғлиқ бўлган касалликларни, майиб – мажрухликларни (одам ва хайвон) олдини олиш чора такдбирларини тузиш;

- аҳоли истеъмолига чиқарилаётган чорвачилик ва деҳқончилик махсулотларини доимий равишда ветеринария – санитария назоратидан ўтказиш. Булардан ташқари четдан сотиб олинаётган қорамол, уруғ, эмбрион, хужайра, гармон, ҳар хил биологик фаол моддалар, дори – дармонлар, вакцина ва бошқаларни амалдаги тартибга биноан санитария назоратидан ўтказиш ҳамда халқаро меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга кўрсатилган меъёрларга риоя қилиш;

- ташкилотларда, фермер хўжаликларида ва маҳаллаларда экология бурчагини ташкил қилиш ва уни бажарилишини таъминлаш учун маъсул тайинлаш.

Ҳар бир ташкилотнинг, ўқув муассасасининг, шу жумладан фермер хўжаликларининг раҳбарлари, ўз жойларида меҳнат фаолияти ва техника хавфсизлиги масалаларига ҳам эътибор қаратишлари лозим. Бунинг учун:

- ишга қабул қилинаётганда албатта, кейинчалик, даврий, фавқулотда, режали ва доимий равишда йўл- йўриқ ўтказиб, уни махсус журналда қайд қилиб қўйиш лозим;

- хўжаликда мавжуд бўлган ускуна, механизм, технологик жараён, цех, автоулов, трактор ва чорвачиликка оид бўлган ускуналар билан ишчи ходимларни таништириб бориш лозим;

- чорвачилик биолари ва чорвачилик иншоотларида ўрнатилаётган механизм, автоматлаштирилган жараён ва қурилма ҳамда электр энергиялардан фойдаланишни билиш шарт;

- корхона ва фермер хўжалигида ҳаёт фаолияти ва техника хавфсизлиги масалаларига маъсул кишиларни, улар билан таништириш ва барча ишчи ходимларни шахсий химояланиш васиталари (ШХВ) билан таъминлаш;

- сизирларни машинада соғиш, автоматлаштирилган холда озиқа тарқатиш ва жун қирқими каби мавсумий ишларни талофатсиз ўтказиш учун техника хавфсизлигига риоя қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ходиса рўй берганда, ишчилар шикастланганда, ёки касб касаллигига чалинганда амалдаги тартибга биноан фаолиятни амалга ошириш, юқори ташкилот ва касаба уюшмаларга хабар бериш;

- хўжалик ва корхонадан ҳар бир ишлаб чиқариш йили бошида ҳаёт фаолияти ва техника хавфсизлиги масалаларига маблағ ажратишга ва уни мақсадли сарфлашга эришиш, ўз вақтида ҳисобот тайёрлаш.

6. ХУЛОСАЛАР

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида, чорвачиликни ривожлантиришга доир ҳуқуқий, илмий, услубий, меъёрий ва статистик маълумотларни таҳлил қилиб, ўз шахсий фикр – мулоҳазаларимиз билан умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

1. Бугунги кунда Мамалакатимиз вилоятларида 81 мингга яқин фермер хўжаликлари мавжуд, шундан 6,0 мингга яқини чорвачиликка ихтисослашган экан Пастдарғом туманида жами 433 та фермер хўжаликлари бўлиб, шундан 31 таси чорвачиликка, 4 таси паррандачиликка, 11 таси балиқчиликка, 1 таси асаларичиликка ва 5 таси пиллачиликка ихтисослашган.

2. Озуқабоп экинлар етиштириш талаб даражасида эмас. Жами суғориладиган 21784 гектар ернинг фақатгина 415 гектарига ёки 1,9 фоизигагина озуқабоп экинлар экилиши, бундан ташқари тумандаги жами 433 та фермер хўжалигининг фақат 2 таси ёки 0,5 фоизи озиқа етиштиришга ихтисослашганлигини ўзи бунга мисол бўла олади.

3. Тумандаги “Беш бола” фермер хўжалигида қорамол гўшти ишлаб чиқариш учун озиқа базаси ва асраш шароити талаб даражасида.

4. Қора-ола зотига мансуб бўлган ва якуний сўқимланиш давомида бинода боғлаб боқилган тажриба гуруҳидаги буқачалар, жадал ўсишган. Улар ўз тенгқурлари назорат гуруҳига нисбатан бўрдоқилаш давомида 25,3 кг ёки 7,0 % юқори кўрсаткичга эришган.

5. Истеъмол қилган озиқасини махсулот бирлиги билан қоплаш хусусияти бўйича ҳам гуруҳларга ажратилган. Хусусан 1 кг қўшимча тирик вазн учун тажрибада 0,46 назорат гуруҳига келганда озиқа бирлиги ёки 1,3 % озиқа сарфлаган.

6. Сўйим кўрсаткичлари бўйича ҳам тажриба гуруҳи ижобий кўрсаткичга эришган ва нимталанган гўшт ва сўйим оғирлиги бўйича назорат гуруҳини тегишлича: 17,7 кг (7,6 %) ва 18,0 (7,3 %) га ортда қолдирган.

7. Гўштнинг сифат кўрсаткилари бўйича ҳам ишонарли даражада гурухларарофарқ кузатилган.

8. Якуний сўқимланиш бинода бобғлаб ўтказилган тажриба гурухининг иқтисодий самарадорлиги яхши бўлган ва олинган соф фойда уларда тенқурларига нисбатан 177,7 минг сўм ёки 27,0 % кўпдир.

7. ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

Пастдарғом тумани мисолида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини фаолиятига оид маълумотлар тахлилига биноан қилинган хулосалар асосида ишлаб чиқаришга қуйидаги амалий таклифларни қиламиз.

1. Қорамол гўшти ишлаб чиқаришда кўпайтиришга ва уни сифатини яхшилашга таъсир қиладиган кўшимча имкониятлардан самарали фойдаланишни, яъни якуний сўқимлаш давомида букачаларни бинода боғлаб боқишни тавсия қиламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Ветеринария тўғрисида” ги Давлат қонуни. Тошкент., 1993. 3 сентябр
2. “Наслчилик тўғрисида” ги Давлат қонуни. Тошкент 1995., 21 декабр.
3. “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги Давлат қонуни. Тошкент. 1998 й. 30 апрел.
4. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Давлат қонуни. 2000. 25 май.
5. Республика Президентининг 200 йил 4 мартдаги “Фермерларни хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик бизнес бошқа субъектларини қўллаб – қувватлаш чора – тадбирлари тўғрисида” ги ПК- 75 сонли қарори.
6. Республика Президентининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги ПК 383 сонли қарори.
7. Республика Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида, ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” ги 3226 сонли фармони.
8. Республика Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “ 2004 – 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепсияси тўғрисида” ги 3342 сонли фармони.
9. «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ЎЗР Президентининг ПК 308 – сонли қарори. Тошкент. 2006 йил 23 март.
10. «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик махсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора - тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-842 - сонли қарори. Тошкент. -2008 йил 21 апрел.

11. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2008.
12. Каримов И.А. Жахон молиявий - иктисодий инқрози. Ўзбекистон шароитида, уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. «Ўзбекистон». 2009.
13. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз таррақиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг усутувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлисдаги маъруза. 2012 йил 19 январ Тошкент “Ўзбекситон”.
- 14.Жураев Ф.Ж. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Тошкент. 2004.
- 15.Ибрагимов Ю. Замон билан ҳамнафаслик давр талаби. “Зооветеринария” журнали. 2010. № 7. 12 – 14 б.
- 16.Ибрагимов Ю., Хафизов И. Чорвачиликни ташкил этиш бўйича тавсиялар (деҳқон, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари учун). Тошкент. 2011. 24 б.
- 17.Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Тошкент, ”Молия” 2005. 403 бет.
- 18.Кахаров А., Хушвактов А. Ислохатлар даврида чорвачилик тараққиёти. “Зоотехния” журнали. 2009. № 10. 41 – 42 б.
- 19.Кахаров А. ва бошқалар Қорамол гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтириш бугунги кун талаби. Республика илмий – амалий конференция материаллари. Самарқанд 2010. 112- 114 б.
- 20.Қудратов Т. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг тахлили. Самарқанд. 2002.
- 21.Максудов И. Амиров Ш. Фермер хўжалигида сермахсул сигирлар ўстириш. «Зооветеринария» журнали. 2008. № 4. 38-39 б.

14. Носиров У.Н., Усмонов О., Мирхамидов М. «Фермер бўламан». Тошкент. «Мехнат» 2003. 95 б.
15. Носиров У. Мамалакатимизда қорамолчиликни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари. “Зооветеринария” журнали. 2008. № 2. 34 – 35 б.
16. Носиров У. Фермер хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш омиллари. . “Зооветеринария” журнали. 2008. № 11. 31- 33 б.
17. Носиров У.Н. ва бошқалар Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш. “Зооветеринария” журнали. 2009. № 8. 33 – 35 б.
18. Носиров У.Н., Максудов И.М., Атабаева Х Чорвачилик фермер хўжаликларида молларнинг маҳсулдорлик, генетик потенциалидан фойдаланишда озува базасини мустаҳкамлаш муаммолари. “Зооветеринария” журнали. 2009. № 11. 36 – 37 б.
19. Носиров У.Н., Максудов И.М.- Қорамолларни бир хил озиклантириш типига ўтказиш ва маҳсулдорликни оширишнинг илмий – амалий асослари. “Зооветеринария” журнали. 2010. № 1. 29 – 34 б.
20. Норқобилов Б. Истиқлол инъоми. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси. “Зооветеринария” журнали. 2010. № 9. 5 – 7 б.
21. Норқобилов Б, Абдураимов Д., Ибрагимов Ю. Сигир ва таналарни сунъий уруғлантириш бўйича тавсиялар. Тошкент. 2011. 40 б.
22. Олимов М., Хушматов Н. Иқтисодий самарадорлик омиллари. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2007. № 5 41 б.
23. Мухторов А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Қарши. 1997.
24. Тешабоев Х. Ўзбекистонда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликнинг ривожланиши ва истиқболи. “Зооветеринария” журнали. 2010. № 6. 2 – 6 б.
25. Тешабоев Х. Фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш-иқтисодий барқарор жамият шакиллантириш асоси. “Зооветеринария” журнали. 2011. № 7. 6-7 б.

26. Тешабоев Х. Қишлоқ хўжалигини юксалтириш аҳоли фаровонлиги сари ташланган дадил кадамдир. “Зооветеринария” журналы. 2010. № 1. 2-4 б.
27. Тухлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тошкент. 2008. “Ўз МТ”.108 б.
28. Умарова Э. Фермер хўжаликларида соғлом бузоқ олиш учун сигир ва ғуножинларни туғрикка тайёрлаш. “Зооветеринария” журналы. 2010. № 5. 18-22 б.
29. Фермерское хозяйство зарубежом. “Быть фермером” 13- 11. 2009. Сайт [www/ chumfci. Com ck/ економика](http://www/chumfci.com/ck/экономика).
30. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари. 2010.
31. Холмуродов Э. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари. “Зооветеринария” журналы. 2010. № 8. 4-5 б.
32. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарида озуқа базасини мустаҳкамлаш ва молларни озуқалар билан таъминлаш чора тадбирлари бўйича тавсиянома. “Зооветеринария” журналы. 2008. № 6-7. 5-10 б.
33. Шарипов О. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий омиллари. “Зооветеринария” журналы. 2010. № . 5-6 б.